

R 496
2005/6



496

Guliston
2005/6



МУСТАҚИЛЛИК ҚОМУСИ

Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан конституция-мизнинг қандай бўлишига боғлиқ.

И.А.Каримов

Конституция давлатда ўрнатиладиган тартиб ва қоидаларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланиб, у фуқароларга тенглик, барча ижтимоий ташкилотларга, уларнинг демократия ва ҳуқуқий давлат қоидалари асосида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Шу боис ҳам, Конституция давлатдаги барқарорлик ва изчиликнинг омилдир.

1992 йилнинг 8 декабр куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Ватанимизнинг бу Асосий Қонуни халқимизнинг асрий эзгу орзуси бўлмиш мустақилликка, жамиятда янги ижтимоий муҳит яратиш учун хизмат қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун, яъни 8 декабр умумхалқ байрами сифатида эътироф этилди ва дам олиш куни деб эълон қилинди.


Ҳар бир давлат ўзининг конституция ва қонунларида ўрнатиладиган ҳуқуқ, эркинлик, бурчлари туфайли жаҳон мамлакатлари ўртасида ўз ўрнини эгаллайди. Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» асарида «Конституция ўзининг моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосида инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг одилона ечимини топишга интилдик», — деб таъкидлаган эди.

Биз қайси чўққиларга ва қандай эзгу мақсадларга эришган бўлсак, ҳаммасининг негизида бизнинг Конституциямиз — асосий қомусимиз ётади. Таъкидлаб ўтиш лозим, агар биз мустақил Ўзбекистонимизни янада баянда чўққиларга кўтариб, жаҳон ҳамжамияти олдида фахрланиб, шу муқаддас замин бизники демоқчи бўлсак, бу йўлдаги энг асосий вазифаларимиздан бири, энг аввало, Конституция-

Конституция халқнинг хоҳиш — иродасини, адолатли давлат, фаровон, эркин жамият қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайди. У инсон ҳаёти, шаъни, қадр — қиммати, ҳақ — ҳуқуқларини олий қадрият сифатида дунёга танитадиган олий юридик кучга эга ҳужжатдир. Ҳеч бир давлат ўзининг асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.

титуциялардан фарқли ўлароқ ўз аксини топган. Бу — давлатимиз эришган энг улкан ютуқлардан бири.

Хуршида ҲОТАМОВА,
ТДЮИ 4-курс талабаси





ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, беэакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Абдусайд КЎЧИМОВ

Гулистон МАТЁҚУБОВА

НИЛУФАР

Абдулла ОРИПОВ

Неъматулла РАСУЛОВ

Жўрақул ТУРСУНОВ

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

Манзура ШАМС

(масъул котиб)

Комил ЮСУПОВ

Раҳмон ҚЎЧҚОР

Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Зумрад ВАҲОБОВА

Мусаҳҳих:

М. Йўлдосева

Навбатчи муҳаррир

М. Шамсиева

Ушбу сонда:

Бугункингизгани

Ўибос ғрақам кўркми?

Тура НОРБОЕВ

Глобаллашув жараёни

ва миллий-маънавий

ўзгаришлар

Беҳзод РАҲИМҚУЛОВ

Парвоз қилаётган шер

Абдулла ВАХШИВОРИЙ

Онаизор

Римма АҲМЕДОВА

Театр - менинг ҳаётим

Дилнавоз ХОЛИҚОВА

Ўрсоналар жозибаси

Рауф ЭҲСОН

«Ўзқуввар»га келган

«совчи»

Босишга 15. 12. 2005 йилда топширилди. Қўрози 60x84 1/8.
Ҳажми 6,0 босма табақ.

Бюлетнма № 189

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: Қўбухона: 136-56-01, Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90

Масъул котиб: 133-07-94, Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
091 — рақам билан рўйхатга олинган.

МУҚОВААРИМИЗДА:


1-бетда: Республика ўқувчилар саройи;

2-бетда: Эл суйган актриса Римма Аҳмедова;

3-бетда: Рассом Зебунисо Шарипова ижодидан;

4-бетда: Хонанда Ирода Искандарова.

Буюк олим, қомусий билимлар соҳиби, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз асарларида нафақат хасталиклар таҳлили, уларнинг давоси ҳақида, балки шифокорлик касбига муҳаббат, бу илми эгаллаш машаққатлари, ушбу касб учун зарур бўлган зийраклигу зукколик, сабру қаноат хусусида ҳам нодир фикрларини баён этган.



УММОНДАН ТОМЧИ

Шифокор ажойиб хулқи, тартиб-интизоми, ўзининг ширин сўзи, очиқ чеҳраси ва юриштириши билан ўзгаларга ўрناк кўрсатувчи инсон бўлиши кераклиги ҳақида Ибн Сино шундай ёзган: «Шифокор бургутдек ўткиркўз, қўллари қизниқидек майин, шердек довурак, илондек ақлли, донишманд бўлиши керак».

Шифокорлик касбида давоси йўқ хасталиклар, касалликнинг оғирлашуви ва унинг ёмон асоратлари бемордан сир тутилмоғи лозим. Чунки бемор ёмон гапдан хабар топса, умидсизликка тушиши, аҳволи ўзгариши ва бу ўлим билан ҳам тугаши мумкин. Бундай хатога йўл қўймаслик, сир сақлаш тўғрисида буюк мутафаккир: «Сен сирингни асрасанг, у сенинг асирингдир, агар сирокор ёсанг, сен унинг асирсан. Инсондаги сир сақлай билиш хислати ошкор қилиш хавфи туғилганда уни ушлаб тура билувчи кучдир», — деган.

Демак, шифокорларга ҳос бўлган инсоний қасдлар ҳамда Абу Али ибн Сино ўз фикрларини қуйидаги давом эттиради: «Жаҳднинг ҳақид таҳлилда ҳам сирнинг асридан гапиринг. Ўнг яхши қасдлардан бирини биронта баъдан олмай қақармаслиқдир. Хулқ-

нинг мувозанатда бўлиши саломатликни сақлайди».

Шифокорга зарур бўлган касбий ва инсоний хислатлар Абу Али ибн Сино таҳлили бўйича қуйидагилардан иборат:

«Илм — нарсаларни инсон ақли ёрдамида ўрганишидир».

«Қаноат деб, ўзига кифоя қиладиган нарсага эришишга айтилади».

«Камтарлик шундай бир хислатки, у билан инсон билимини, куч-қудратини яшириб, ўзини табиатан ожиз, эзилган ва ўз жинсидан юқори даражага кўтарилишида бирор камчилиги бордай сезиладиган бўлади».

Ибн Сино асарлари билан танишиш давомида аллома инсонларга доимо яхшилик истаб, қалб тубидаги энг соф ниётларини, дурдона фикрларини ўғитларида, маслаҳатларида ифодалаганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида берилган қимматли пандлар буюк олимнинг чексиз фикр уммонидан бир томчигина, холос.

Алломанинг деонтологик қарашлари нафақат шифокорлар, балки барча инсонларга ҳаминша даркорлигича қолаве-лади.

Дилрабо ЖЎРАЕВА



— Гулшодахон, мана об-ҳаво ҳам совиди. Қизларимизга уйдан чиқаётганларида иссиқ кийимларини тутказсак, кийишга унашмайди...

— Бу ўз ўрнида ҳам ачинарли, ҳам хавотирли ҳолат. Қизларимиз шамоллаб қолишади, турли касалликларга чалинишади. Ҳар бир киши фаслларга мослаб, тўғрироғи, ҳар кунги об-ҳаво шароитига қараб кийинишни унутмаслиги зарур. Қизларимизнинг ҳозирги ёгин-сочинли кунларда

давомийлигини тўхтатади. Бундай кўрғиликка дуч келган қизлар бошқаларнинг орзусини ҳам поймол қилаётганини ўйламоғи зарур.

— Ўзингиз таъкидлаб ўтганингиздек, аёлларнинг аксарияти шамоллаш билан боғлиқ касалликлардан шикоят қилишади. Сиз ҳам аёл, ҳам шифокор сифатида уларга қандай маслаҳат берасиз?

— Ёш қиз-келиндаримизга шамоллаб, турли касалликларга чалинмасликлари учун

ДИБОС ФАҚАТ КЎРКМИ?

Ҳамза тумани марказий шифохонаси акушер-гинеколог, шифокор Гулшода АБДУЛЛАЕВА билан суҳбат

ёмғирпўшни ёддан чиқармай, совуқ, изиринли кунларда эса иссиқ кийимда бўлишларини таъминлаш зарур. Ахир, «Ёз ёпинчигингни ташлама...» дейишади-ку.

Енгил, очиқ-сочиқ кийиниш натижасида шамоллаш ва ундан оғир асоратлар қолишини кўпчилик яхши билади. Маълумки, шамоллаш бепуштлиқ касалликларини ҳам келтириб чиқарадиган омиллардан биридир. Шунингдек, у гармоник бузилишларга ҳам сабабчи бўлади. Кўп йиллардан буён фарзанд кўриш мақсадида даволанаётган айрим беморларимиз авваллари енгил кийиниб, шамоллаб қолганлари учун афсус-надоматлар чекишмоқда. Бу нарса оилавий муаммоларни ҳам вужудга келтиради. Орзу-ҳавас билан қурилган оилалари қил устида турган беморларимизнинг чеккан кўнгил азобларини айтмайсизми?

Бизга мурожаат қилаётганлар, жумладан, никоҳ остонасида турган қизларимиз, бўлажак келинларимизнинг аксари шамоллашдан шикоят қилишмоқда. Турмушга чиқаётган қизларимизни кўриқдан ўтказиш жараёнида ялғиланиш аломатларини учратмоқдамиз. У нас

доимо об-ҳавога мос кийим кийиш, ошхона ва уй юмушларида совуқ сувдан фойдаланмасликни, хоналарда елвизакка йўл қўймасликни тавсия қилардим. Бундан ташқари, ҳар бир аёл ҳеч нарса безовта қилмаса ҳам, албатта, гинеколог-шифокорга йилда икки марта мурожаат қилиши керак. Айниқса, қирқ ёшдан ошган аёлларимизга шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, айнан шу ёшдан ошган, онкологик касалликлар кўп учрайди. Ҳозирги замон тиббиёти бундай касалликларни вақтида аниқлай ва даволай олади. Шунга кўра, яна бир бора қайтариб айтман, аёллар гинеколог қабулига чиқиб туришлари лозим.

Ўз ўрнида биз ҳам муқим шифокор бўлиб қолганимиз йўқ. Чақирувлар билан тез-тез беморлар ҳузурда бўлаемиз. Яқиндагина гинекологик касалликларни аниқлаш мақсадида маҳаллаларда бўлиб, хотин-қизларимизни кўриқдан ўтказиб, бепул доридармонлар улашдик. Биз ҳамиша улар хизматига тайёремиз.

— Гулшодахон, кийимнинг иккинчи бир хусусияти, яъни ахлоқий жиҳати ҳақида ҳам гаплашсак.

— Қизларимизнинг таналарини кўз-кўз

қилиб юргани миллий урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмаслиги билан бирга, миллийлигимизга нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Ярим яланғоч кийиниш, балки бошқа миллат вакиллари учун оддий ҳол бўлиши мумкин. Лекин биз барча ҳавас қиладиган турмуш тарзимизни ўзгалар ҳаётига мослашимизга ҳожат йўқ. Биз, аввало, она ва бувиларимизнинг қандай яшаб ўтганлигидан ибрат олиб, ўзлигимизни англаб етишимиз, ғурур ва вафодорлик туйғусини энг юқори ахлоқ меъёри деб тушунмоғимиз лозим. Кийиниш эса ана шу ғуруримизни асрашга хизмат қилиши керак. Шу талаб билан яшасак, ота-оналаримиз, маҳалла ва қариндош-уруғлар олдида юзимиз ёруғ бўлар эди. Афсуски, бундай, онамерос ахлоқий тутумларимизни айрим қизларимиз оёқости қилмоқдалар. Уларнинг очиқ кийиниб, бемаҳал кўча кезишлари, номаъқул қилиқлари кўпчилиكنинг гашига тегиб, бундай қизлар келин танловларда назардан четда қолади-

дилар. Улар маҳаллада ҳам, оилада ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарадилар. Маҳалла ва ишхоналаримизда либосни тан-сиҳатлик воситаси, ҳам табиий-эстетик зарурат, ҳам ахлоқий-маънавий парда деб тушунганлар кўпчилиكنи ташкил қилади. Биз келин-қизларимизнинг кексаларга саломини қанда қилмаётганини, бир қадар ибос сақлаб, катталарга йўл беришларини, сўзни бўлмасдан тинглаб, унга амал қилаётганларини кўп кузатганмиз. Улар ҳақиқий эҳтиромга лойиқ қизлардир. Биз, шифокорлар кўпинча қабул пайтлари, ўзимизга бириктирилган ҳудудларда, маҳаллаларда, оилаларда бўлганимизда ёшларимизнинг саломатлигини асраш бўйича суҳбатлар ўтказамиз. Бу ишда оналар ва қайноналарнинг фаоллашувларини жуда истардик. Чунки уларнинг ҳаётий тажрибалари асосидаги насиҳатлари ёш авлод учун ўрнак ҳамда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат сифатида қадрдидир.

Тамара ЖУМАЕВА
суҳбатлашди



Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ илмий, фалсафий адабиётларга «глобаллашув», «глобал дунё», «глобаллашув жараёнлари» сингари атамалар кириб келган эди. Аслида, илмий-ижтимоий, фалсафий маънога эга бу атамани дастлаб америкалик олим Левитт «Гарвард бизнес ревью» журналида эълон қилинган мақоласида тилга олганлиги бутун дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Муаллиф ушбу мақоласида йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнларини ифодалаш учун шу атамани қўллаган эди.


ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Бугунги глобаллашув жараёнларида геополитик сиёсат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда бир қанча муаммоларни ҳал этиш зарурати туғилмоқда. Шундай муаммолардан бири глобаллашув жараёнида миллий-маънавий негизлардаги ўзгаришларни таҳлил этиш билан боғлиқ. Бунда икки муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара нафақат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий адабиётларда ҳам турлича талкин этилаётганидир.

Иккинчидан, бу масалада ягона қараш шаклланиши мумкин бўлмаганидек, миллий-маънавий негизлардаги ўзгаришларнинг турли хил мамлакатлар, миллатлар ҳаётида турлича кечиши ҳам табиий ҳолдир. Айни пайтда, барча социологик, ижтимоий-фалсафий адабиётлардан тортиб то иқтисодий интеграцияга оид илмий тадқиқотларда ҳам глобаллашув жараёни ва унинг асосий тамойилларига ёндашувлар турлича бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Умумевропа ягона Конституциясининг қабул қилиниши ҳам глобаллашув жараёнларида геополитик сиёсат билан боғлиқ ҳолат сифатида баҳоланмоқда. Аслида, глобаллашув жараёни миллий-маънавий дунёқарашдаги эврилишларда ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу борада ўтган XX асрни инсоният цивилизацияси тарихида янги даврнинг бошланиши дейиш мумкин. Бу ўринда биз инсоннинг космосга парвози ва коинотни ўзлаштиришдаги буюк қадамларини назарда тутмоқдамиз. Шунга



кўра, ҳозирги замон глобаллашув жараёнида бирон-бир мамлакатда алоҳида андозага эга бўлган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ўта тор маънодаги ўзига хослигини сақлаб қолишга уриниш дунё ҳамжамиятидан ажралиб, изоляция ҳолатига тушишга олиб келиши табиий ҳолдир. Бундай уринишларнинг бефойда эканлигини дунёнинг ривожланган мамлакатлари тадқиқотчилари таъкидлаш билан бирга, бу жараёнда қай тарика умумбашарий тамойилларга асосланган ҳолда фуқаролик жамияти қуриш, ҳар бир миллатнинг ўз миллий-маънавий кадриятларини сақлаб қолиши сингари масалалар ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқдалар. Дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнларда ҳам жиддий ва туб ўзгаришларни содир этмоқда. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар ҳам глобаллашув жараёни ўзанида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Независимая газета»нинг муҳбири саволларига берган жавобларида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни геополитик сиёсатнинг муҳим устувор йўналишларидан бири деб белгилади. Ушбу муаммони шу нуқтаназардан таҳлил қилиб, минтақамиздаги ҳозирги мавжуд

ахволни ҳолис баҳолаётган эканмиз, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда минтақадаги стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганлигини ҳам эътироф этишга тўғри келади. Демак, глобаллашув жараёнларида Марказий Осиёдаги геополитик сиёсат ва минтақа туб аҳолисининг миллий-маънавий негизларидаги ўзгаришларни икки йўналишда ўрганиш мумкин.

Биринчи йўналиш — жаҳондаги йирик давлатлар ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Айнан шу жараёнда миллий-маънавий негизларда шаклланган айрим кадриятларнинг ўзгариши содир бўлади. Бу ўзгариш, энг аввало, одамларнинг тафаккуридаги эвристикларда намоён бўлмоқда. Шундай пайтда халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар қучининг сақланиб қолиши ҳам кузатишмоқда.

Иккинчи йўналиш эса, террорчиликка қарши кураш никоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасини ўз таъсир доирасига олиш учун кураш олиб бормоқда ва бу кураш миллий-маънавий негизларга ҳам таъсир ўтказмасдан иложи йўқ. Демак, Марказий Осиё минтақасидаги мустақилликни қўлга киритган ва ўзига хос миллий-маънавий негизларга таянган ҳолда барқарор тараққиёт йўли-

дан бораётган минтақа давлатларида маълум бир сиёсий, мафқуравий қучлар ушкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортишга интилиши табиийдир. Шу нуқтаназардан бир вақтлар ўзларини «демократия ороли» деб атаган Қирғизистондаги воқеаларни Марказий Осиё республикаларнинг барчасига хос йўналиш деб атаётганлар ҳам мавжуд.


Минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст-биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини миллий-маънавий кадриятлар орқали келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафқуравий воситалар ҳам ишга солинмоқда. Ушбу воситалар қанчалик «залворли» бўлмасин, мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш йўлидаги хавф-хатарларнинг олдини олиш учун асосий таянч бу миллий-маънавий негизларнинг муштараклиги ва уларнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигига асосланшидир.

Глобаллашув жараёнларида геополитик сиёсат ва унинг моҳиятини белгилашда умуминсоний кадриятларга таяниш, унинг устуворлигини эътироф этиш билан бирга миллий-маънавий кадриятларни асраш учун Марказий Осиё халқлари баҳамжихат ҳаракат қилишлари келажакда минтақада ягона иқтисодий бозорни ташкил этишнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Тўра НОРБОВ,
доцент

1-пара «турк домла»нинг дарси. Биз талабалар билганимизча туркчада ўзимизча чуғурлаймиз. Домла эса деярли ўзбекча гапирди. Дарс сўнгида домла ўтган дарсда ваъда қилинган билетларни тарқатди. Демак, шанба куни кинога... Турк тилида. Кинога ҳамма талабалар бормади, албатта. «Бўш» билетни олиб, кўнгила яқин

бўлса-да, ҳарқалай, энди эътиборингни буткул кино банд этади ва озроқ тушуна бошлайсан ҳам. Шундан кейин бошланади ҳаммаси... Ҳарқалай, ҳали туйғуларинг сўниб кетмаган экан, ҳали бировлар учун йиғлай олар экансан. Бир оқдан кейин ҳаммаси — яшаётганинг дунё, атрофингдаги одамлар, ўқишдаги муаммолар, берилмаётган



ИШҚ ЭВА

Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли»га ўхшатма... эмас

кўшнингни кинога судрайсан. Ўзингдан ҳам баттар кўнгилачан кўшнинг тумовлигига ҳам қарамай «ҳозир тушаман» дейди. Тиқилинч автобусдан ўзинг қолиб, касал ҳамроҳингга жой қидирасан.

Ниҳоят етиб келасан. Кино бошланади: «*Gönderilmemiş mektuplör*».

Шунчасига чидаган ҳамроҳинг кино бошлангач «уф» тортади: «Турк тилида экан-ку?...» Индамайсан. Айбинг бўйинида. Бирпасдан кейин яна тиқилинч қилади: «Юр, кетақолайлик. Тушунмагандан кейин...» «Таржима қилиб бераман» — ялиасан. Бекорларни айтибсан. Бу «турк домла»нинг «ўзбек тилида» ўтадиган дарсимидики, таржима қилиб берсанг. Ўзингга тушунмаётганингни беркитиш учун кинонинг номини такрорлайсан: «Жўнатилмаган мактублар». (Асли буну ҳам домлаган эшитгансан.)

Барибир бўлмайди. Боши оғриётган (грппнинг асорати) ҳамроҳинг билан «узр-маъзур» қиласан. У кетгач, ёнингдаги кизларнинг ҳиринг-ҳиринги бошланади. Олдиндаги бўш ўриндиққа ўтасан. Ҳамроҳинг кетганидан дилинг хижил

маошинг, кетиб қолган ҳамроҳинг... бари эсингдан чиқади, аҳамиятсиз туюла бошлайди бари...

Уд товуши, Аёлниг изтиробли кўшиғи... Армонли Соғинчлар зори... Юзинг ивиб бораётганини сезасан. Энди кино худди ўзбек тилида бўлаётгандек.

— Кетма... — илтижо қилади Аёл. — Яна айрилиқми? Йигирма йилда топдим деганда...

— Мени севардинг-а? — сўрайди Эркак. Аёл бош ирғайди. (юзи тўла изтироб...)

— Ҳануз севасанми?

— Дунёлар қадар!.. — бўзлаб айтади англаб бўлмас армонлар ичидаги Аёл.

«Кетдик, вақт бўлди!» дейди полиция ходими. Ўтирган жойингга бир сапчиб тушасан. Энди сенингга ичингда илтижо уйғонади: «Кетма...»

— Кетмоқ нима ўзи? Энди менинг МУҲАББАТИМ бор. Мен ва сенинг МУҲАББАТИМИЗ. Бу айрилиқ ҳам эмас... (балки бу сўзлар сенинг укувсизлик билан қилган таржималаринг деса бўлар, лекин Аёлниг «дунёлар қадар»и қандай айтилган бўлса, шундай ёдингга қолди) Эркакнинг юзида табассум, қониқиш,

ошиқларгагина хос олижаноб ҳислар ифодаси... яна Аёлнинг изтиробли қўшиғи...

Кинозал ёришади. Бирин-кетин туриб бораётган томошабинларнинг нигоҳлари кўзёшларингга халақит беролмайди. Дастрўмолинг ҳўл, юзинг ҳўл, кўзинг ҳўл... Қайтгунча «турк домла» ва курсдошларинг ўртасида қизгин суҳбат, албатта, кино ҳақида. Бировининг гапи қулоғингга ўрнаб қолади: «Эркакнинг кўзлари роль ўйнар экан». Муносиб таъриф.

Сенинг эса... қулоқларинг остида Аёлнинг изтиробли қўшиғи янграйверади, эсингда қолганча хиргойи қилиб борасан... Уйланасан, ўйланасан: Нега шундай? Нега шундай?! Бу дунёда ошиқларга ёруғ кун йўқми?

Ётоқхона зиналаридан оғир-оғир кўтариласан. Хоналарнинг биридан Ҳофизнинг ноласи эшитилади:

Мен ишқ элининг нола-ю афғонида куйдим...

х х х

Қиз эзилиб йиғлайди. Йигит юпатади. Бир дарди минг бўлади. Уйда яна ўша аҳвол. «Ўткир» амма бобиллайди:

— У қиз бўлмайди! Келиб-келиб ўша тажаннинг кизини келин қиламизми? Тенг-тенги билан деб бежиз айтишмаган.

— Қизини яхши дейишяпти-ку, чиройли қиз...

«Ўзбек ойим»нинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолади. Амма ҳужумга ўтади:

— Сиз жи-и-им ўтиринг. Болани эрка қилган — сиз! Чиройли эмиш... (қошиқ-кўзлик бир анди). Барибир келинсиз-да, эл бўлмайсиз. Мени укамга жоним ачийди. Шунча яхши жойлар қолиб, ўшалар билан қудалашиб юрадими энди?

Энди «эслик Отабек»нинг ҳам сабр косаси тўлади:

— Нега ахир?!

Амма қошлари учиб-учиб жаврай кетади:

— Келиб-келиб топган қизинг шуми? Зоти паст ўшанинг, тушунасанми, зоти паст! (сан бизнинг наслимизни кўтариш ўрнига, ерга уриб булгадинг) Севги-севги дейсан, нима, севмай турмуш қилганларнинг бирон ери камайиб қоляптими? — кесиб-кесиб гапиреди, севиб турмушга чиқиб, юовш эринг бурнидан «сим ўтқазиб» олган Амма.

Опасининг тазйиқларидан безор бўлиб кетган ота ҳам бу сафар қатъийлашади:

— Ё бизни дейсан, ё ўша қизни!

Отасининг бошқачароқ жавобидан

(...Санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соғқа ҳисобланмайди... Бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз санга ётишиб келмас экан, бунга ҳаққинг ҳам бор...) умидланиб турган «Отабек» эсанкираб қолди.

— Билганларингни қилинглар! — йигит эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Кўзидаги ёшни Амма кўрса, яна бир нима деб «чақиши»дан кўрқиб, «Ўзбек ойим» ҳам чойни янгилаш баҳонасида секингина ўглининг ортидан ташқарига йўналди. Амма эса мағрур ҳолда бола тарбиясидан ваъз ўқимоққа бошлади...

Қиз йиғлади, сиқтади, хайрлашаётиб секингина деди:

— Бахтли бўлинг... (Мен рози, мен кўндим)

Хайрлашишди. Ноилож (ота-она орзуси). Ўша куни ярим кечада уйига маст келган «Отабек» онасини жимгина қучоқлади: — Онажон! Нимага шундай, онажон?!

Она-бола қучоқлашганча йиғлайверишди... Тонггача йигитнинг хонасида Ҳофизнинг ноласи тинмади:

Мен ишқ элининг нола-ю афғонида куйдим...

х х х

Бололик... Мактабдан қайтаётган қизчалар ҳар куни учратади Йигит ва Қизни. Махфий гапни айтаётгандек қизчаларнинг ичида шўхроғи пичирлайди: «Улар бир-бирларини яхши кўришади. Опамларнинг гапидан билдим». Қизчалар жим қолишади. Мурғак тасаввурларида тушуниксиз ҳавас уйғонади. Йигит ва Қиз доимо кулиб гаплашишади (бололикда балки англамагандирсан, лекин эсингни танганингдан кейин эслаганингга, уларнинг юзларида бахтдан масрурлик борлигини ҳис қиласан). Кейин... уларнинг тўйи бўлди. Энди Йигит — эр, Маъшуқа — хотин. Улар энди... бахтиёр эмас, юзларида аввалги масрурлик йўқ. Энди улар севишганлар эмас, бор-йўғи эр-хотин. Энди бўёғи турмуш... Бўлдим? Севгининг чегараси шуми?! Кечаги ҳавасларинг нима эканини тушунолмай бошинг қотиб турганида онангинг пандлари ёдингга тушади: «Қиз бола бошинг билан ҳамма нарсани ўйлайверма. Одам ҳамиша яхши ниятлар, яхши ўйлар билан яшаши керак. Айниқса, қиз бола...» Сен эса, барибир ўйлайверсан, ўйламай десанг ҳам. Дафтаринг муқовасига кўзинг тушади — Тож Маҳалнинг сурати. Ҳарқалай, севгининг чегараси ҳақидаги ўйларинг чекингандай бўлади. Бирдан яна мянганга

ёмон ўй келади — балки Шоҳ Жаҳон билан Аржуманд бонунинг рўзғориди камчилик бўлмагани учун... Ўйингдан зумда «тавба» дейсан. Севгининг чегараси эса... ҳарқалай... севиб кўрмаганларнинг қаричига тўғри келмайди. Яна хаёлларинг ке-е-етади...

x x x

Соч-соқоли оппоқ, киприклари нам мўсафид... йўқ, маҳбус. Ой нури билан уйнашаётган Тож Маҳалнинг гумбазларига торгина дарчадан термулиб йиғлайверади, йиғлайверади...

Тоҳир сандиққа солинади. Сандиқ оқиб бораверади. Соҳил бўйлаб ёмғир «эзиб» юборган йўллардан тойғона-тойғона, тўлғона-тўлғона йиғлаб югурасан. Йиқиласан. Лой чангаллаган қўлларинг билан ерни муштлаб дод соласан. — Нера? Нера?! Нера?!!

Сандиқ қалқа-қалқа кетаверади. Бошингни кўтарасан, юзларингга қум урилади. Келин олиб боради карвон. Бари шовқинларни босиб кетади ошиқнинг овози:

*Карвон кўрдим туюлари бўзлаб борар,
Нортуюда мани ёрим музлаб борар...*

Карвон ўтиб кетаверади. Кўзёшдан юзига тутилган ҳарир рўмоли ивиб кетади келиннинг. Ошиқ қўшиқ айтаверади. Бўғзинг қуяди. Борлигингга олов туташади. Қўлида асо, барханларни кечиб бир нурли сиймо кетиб боради:

*Кўкрагимдир субҳнинг пироханидан
чокроқ,
Кипригим шабнам тўқулган сабза-
дин намнокроқ.*

Саволларингга жавоб топишингга ишониб чопасан. У зот уфққа сингиб бораверади. Чопонининг баридан учган қумларга юзингни тутасан, чанқовинг босилгандек бўлади. Барибир етолмайсан. Йиғлаб-йиғлаб бораверасан:

— Айтиб кетинг, бобо. Саволларимга жавоб айтиб кетинг.

Арава гилдираклари гичирлайди, ўгирилиб қарайсан. Ким бу сулув аёл? Арава ёнингдан ўтаётганда қулоғингга аёлниинг майтин овози урилади:

— ...Сизнинг ҳукмингизга биноан мен са — ройдан ўзим учун энг азиз бўлган — Сизни олиб кетмоқни ихтиёр қилдим, Амирим. — Моҳларойим! — миннатдор овозда хитоб қилади Амирий.

Аёл ғазал ўқийди:

*— Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт...
Арава ортига бурилади. Қарама-қарши томондан бир отлиқ кўринади. Юрагинг энтикиб кетади — Отабек эмасмикан?...*

x x x

Дугонам гапириб қолади:

— Хаёлингдаги шахзодангни учратсанг, севсанг, севилсанг. Отанг қаттиққўл бўлса-ю, ўша йигитга бермаса. Бутун умр оловдай ёниб ўтсанг ишқиди. Умидлар тўлдирмаган кўнглингни, ҳеч йўқса, шундай буюк Армон тўлдирса...

Ҳазиллашяпти, деб қулганча дугонамнинг кўзига қарайман, дугонамнинг кўзи тўла мунг бўлади. Хаёлимда бир манзара жонланади — аскар ҳайкалининг каскали бошини силаб, унсиз йиғлаётган Робия...

«Икки эшик ораси»ни ўқиб, Робияни Шомуродга бериб юбораётган Қора аммага китобни қучганча ялинаётган қизча... Ўшанда бола эдим, бу ҳисинг нималигини билмасдим. Энди ўйласам, ўшанда... Робиянинг Кимсани кутиб тоқ ўтиши, Шомуродга узатилишидан кўра адолатлироқ туюлган экан. Болалик тасаввуримдаги ўша ўйлар ҳануз ўшандоқ...

x x x

Тонг отди. Бошинг оғриб уйғонасан. Кўп йиғлаганингники. Юзингни ювиб, енгил тортгандек бўласан. Кинодаги Аёлнинг қўшиғини беихтиёр яна хиргойи қиласан. Баҳор ёмғирлари ёғиб ўтгандек бўлади борлигингга. Дарсга боришинг керак. Хонанг, китобларинг билан хайрлашасан. Китобларинг... Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур, Шоҳ Машраб, Нодирабегим... хазина булар бари, чексиз ИШҚ... Есенин... Усмон Азим... севги-ку буларнинг ҳаммаси... Яна ўйларингга қайтасан. Анчадан бери бунчалик таъсирланмаганингни тан оласан. Хаёлан «турк домла»га раҳмат айтасан. Янаги дарсда домлага миннатдорчилик билдиришни дилннга тукканча, зиналардан енгил-енгил тушиб борар экансан, кечаги хонадан яна Ҳофизнинг ёқимли овози эшитади:

*Мен ишқ элининг нола-ю афғонига
куйдим,
Кўнгул уйининг оташи армонига
куйдим...*


Зумраг ВАҲОБОВА

Бизнинг озуқа моддалариниқ шировахи бўлмои, шировахи моддалариниқ эа озуқа бўлмои лозим.

Гиппократ

ПАРВОЗ ҚИЛАЁТГАН ШЕР

ёхуд саломатлик зарови



Парвоз қилаётган шер «Тяньши» Хитой корпорациясининг рамзидир. У ўзининг мустаҳкам қанотларида барча элларга саломатлик ва эзгулик улашмоқда.

Корпорация асосчиси Ли Цзиньюаннинг таъкидлашича, ташкилотнинг бош гоёси инсониятга саломатлик улашиш билан жамиятга хизмат қилишдир. Шунингдек, фаол биологик маҳсулотлар (қўшимчалар) билан касалликларнинг олдини олиш, инсонлар тан сихатлигини таъминлаш, шу фаолият билан шуғуллана бориб, турли маркетинг тизими асосида

молиявий заҳирага ҳам эга бўлишдир. «Тяньши» айна инсон манфаатларини ўйлаётгани учун ҳам жаҳоннинг юздан ортиқ давлатлари қизиқишларини забт эта олган.

«Тяньши» халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакили ҳисобланган **«Tianshi invest»** масъулияти чекланган жамияти бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда. Унга аъзо бўлган дистрибьюторлар ўзларини «ўзбекистонлик тяньшичилар» деб аташади. Малайзияда бўлиб ўтган халқаро конференция ишида бир гуруҳ ўзбекистонлик тяньшичилар илк бор қатнашган, олқишлар остида миллий кийимдаги ўзбек йигит-қизлари

Ўзбекистон байроғини кўтарган эдилар. Шохсупада анжуман тугагунча давлатимиз рамзи намойиш этилган конференция ишида 30дан ортиқ ўзбекистонлик тяньшичилар қатнашиб, ажойиб таассуротлар, совға сифатида берилган қимматбаҳо автомобиллар билан бирга қайтган эдилар...

«Тяньши» фаолиятида фаол биологик қўшимчалар(ФБҚ)ни самарали қўллаш туфайли қандли диабетнинг ривожланиши, атеросклероз, юрак-қон томир ва бошқа касалликларнинг авж олиб кетиши хавфини камайтириши ўз исботини топган. 50 йилдан буён ФБҚ қўлланилаётган Японияда аҳолининг энг узун умр кўриши қайд этилган. ФБҚнинг шарофати туфайли инсон ўзида етишмаётган фойдали компонентларни тўплайди.

Тибет тиббиёти қонунларига кўра инсон организмдаги қон кислород билан тўйинтирилганида мўътадил реакциялар юз беради. Организмда шу мутаносибликнинг сақланиши мақсадга мувофиқдир. «Тяньши» маҳсулотлари биратўла организмни тозалаб, ҳар бир ҳужайрани кислород билан таъминлайди. «Тяньши»нинг консултант шифокори Ирина Кобзар ФБҚларнинг энг муҳимлари ҳақида («Народное слово», 08.09.2005) батафсил тушунча беради. Унинг тавсияларида кальций алоҳида аҳамият касб этган. Кальций организмни кислород билан

таъминлаб, уни тозаллагани учун унга «Барча микроэлементларнинг қироли» деб ном берилган. Кальций етишмаслиги туфайли организмда 150 дан ортиқ ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

Умуман, ФБҚ ҳоҳсида кальций мўъжизалари ҳақида

билан ҳам уйғунлашади.

«Тяньши»нинг ранг-баранг биологик маҳсулотлари орасида «Эндокрин кальций» барча эндокрин касалликларида, модда алмашиш жараёнларининг бузилишида, буюқ, қандли диабет, семириш каби касалликларда қўлла-

қарши таъсир кўрсатади.

«Тяньши» ФБҚда қиёси йўқ, ажойиб табиий антибиотик — «Кордицепс» бор. У, асосан, бирон бир аптека дориларидан чиққан аллергик касалликларга қарши тавсия қилинади. Уни бекорга «Тангрининг совғаси» деб айтишмайди. «Кордицепс»



алоҳида гапириш жоиз. Агар «Тяньши» корпорацияси ФБҚдаги «Биокальций»дан бошқасини тавсия қилмаган тақдирда ҳам фаол биологик қўшимчалар ишлаб чиқарувчилар орасида энг нуфузли ўринни олиши шаксиз эди. Бугунги кунда корпорация ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ичида кальцийнинг олти хили мавжуд. «Болалар кальцийи» рахит, анемия, дисбактериоз, диатез каби барча болалар касалликларида қўлланилади. «Тяньши» кальцийларини истеъмол қилиш билан иммунитетнинг мустаҳкамланиши, боланинг асаб-руҳияти яхшиланиши, тишининг ўткирланиши, суюқ системасининг мустаҳкамланиши кузатилган. «Тяньши»нинг барча маҳсулотлари ионлашган. Экологик тоза, минераллаштирилган ҳолда табиий ўсимликлардан тайёрланади. Шунинг учун ҳам улар организмда яхши ҳазм бўлади. ФБҚлар аптека препаратлари

нилиб, ўзининг афзаллигини кўрсатди. «Сақич кальцийи» эса кўпинча грипп касаллигининг дастлабки белгилари пайдо бўлишида ёки вирусли инфекцияларда истеъмол қилинади. «Гай-Бао» кальцийси энг тоза хилдагисидир. Унинг бир таблеткаси 6 килограмм творога тенг. У бош суюқ жароҳатларида, синиқлар, бўғим касалликларида, артритда, артроз касалликларида истеъмол қилинади.

Тибет шифокорлари рецепти бўйича авлоддан авлодга ўтиб келаётган «Антилипид» чойи корпорациянинг фахри ҳисобланади. Уни бундан беш минг йил олдин ҳам истеъмол қилишган экан. «Антилипид» бутун организмни тозалайди. Юрак-қон томир системаси фаолиятини тартибга келтиради, қон босимини, ошқозоничак, бўйрак фаолиятини нормага келтиради, организмдаги тузни ҳайдайди, ракка

ҳар қандай шамоллаш касалликларига қарши қўлланилади. У кучли иммуностимулятор ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қадимий Шарқ донишмандлиги яширинган «Тяньши»нинг барча биологик маҳсулотларида касалликнинг олдини олиш, хуружини эса доволаш имконияти бор.

Корпорация бугунги кунда 87 давлатнинг сертификатини олган. У Ўзбекистонда ҳам Сихат-саломатлик йили муносабати билан расмий рўйхатдан ўтиб, ҳамма маҳсулотларига тегишли сертификатлар олди.

Яқинда корпорациянинг барча маҳсулотлари ишончлилигининг ўн йиллиги кенг нишонланди.

Беҳзод РАҲИМҚУЛОВ,
«Тяньши» дистрибьютори,
шифокор

Агарки, киши ўз яқинларидан меҳр ва оқибат кўрмас экан, ўзгаларнинг оқибатсизлигидан ўртанишига не ҳожат! Тошбағирлик ҳам аслида хавфли касаллик вирусига ўхшаган бир иллат. Ундан ўз вақтида ҳимоялана олмаган кишининг мажруҳ кўнглига таскин топиши бағоят мушкул.

Муаллиф

Эшик кўнғирोगи кетма-кет, асабни ўйнатадиган даражада узоқ ва қаттиқ жиринглади. Орзугул момо аввалига «кўшинининг майда болалари ўйнашайпти», деган ҳаёлга борди ва шунинг учун ҳам дарҳол туриб эшикни очиш ўрнига жонсиз нигоҳларини саратоннинг чилласида бир-бирига чалкашиб, визиллаётган пашишлардан узмай, шу мипти жониворларнинг ҳам ўзаро ризқ талашаётганини, гоҳо кучлиси нимжонроғига зўравонлик қилаётганини кўриб, анчадан буён кўнглида ҳовурланиб турган ўйи тилига кўчди. «Эй худойим-ей, шу ушоқдек жонзотларинг ҳам бу ёруғ

Яна эшик кўнғирोगи жиринглади. Кампирнинг фикрлари симёғочда тизилиб ўтирганида чўчиб, потирлаб осмонга кўтарилган қушлардек ҳар ёнга тўзғиб, сочилиб кетди.

«Ким бўлди экан-а? Бунча қайсарлик қилиб жингиллатгани-жингиллатган...» Кампирнинг бошида чарх урган тахминлар уясига бирин-кетин ўрнашаётган қалдирғочлардек яна ўрнига қўна бошлади. Ҳатто, «балки «пўштачи» уч ойдан буён кечикаётган пенсиямни олиб келдимикан», деган ёрқин хаёлардан кўзларида умид нури порлаб, кўкси тоғдек кўтарилиб, эшикка

Абдулла ВАХШИВОРИЙ

ОҲАТИЗОР

Ҳикоя

дунёни, бировнинг дастурхонини ўзаро талашади-я! Ахир талашимаса ҳам ликопчадаги қаймоқ ҳаммасидан ортиб қолади-ку... Ҳа, тўғри айтади халқимиз, «нафсим балодур, ёнар ўтга салодур», деб. Агар шундай бўлмаса, ёғлироқ луқма илинжида баъзилар ҳатто отасини ҳам сотмаган бўларди. Ака-ука, қариндош-уруғлар ўртасидан оқибат кўтарилмаган бўларди. Қадим замонларда, нон «ширин» бўлган экан. Шу боис меҳр-оқибат ҳам маҳалла-қуй, яқинлар орасида жуда кучли бўлган. Эҳ, ҳозирги одамлар...» Орзугул момо чуқур ух тортди. «Сизларни қандай жин чалди-я, ҳайронман. Ахир ака-укасига танбех берса, бунинг нимаси ёмон? Замона айланиб, ёши улғуроғи ўзидан кичикни ёмон йўлдан қайтариш мақсадида сал уришса, ундан нимадир ундириш мақсадида кўрпа-тўшак қилиб, дўхтирга ётиб олишига одатланишди-я! Бир жойи сал чизилса бас, дарров дўхтирдан, экспертизадан ўтишади. Кўрибсизки, бу ёғи сурхо-сур бошланиб турибди... Ёшлигимизда бизни бутун маҳалла тергарди-ю, миқ этмасдик...»

яқинлашди. «Пулни олсам жуда зўр иш бўларди-да — тамшаниб қўйди кампир.

—Набирам Ҷамишдбекнинг тўйига соврин бермасам ҳам ҳеч нарса қилмайди, тўнғичим мендан ҳеч нарса умидвор эмас, бир тийинини ҳам қолдирмай Асатжонга берардим. Пул деганлари ҳам қурсин, уч ойлик пенсия ўттиз мингдан тўғсон минг сўм бўлади-я, тўғсон минг сўм! Майли, ҳаммасини боламга, кенжатоимга бераман. Узиям, жуда хунук иш бўлди-да...»

Орзугул момо ана шу хаёлар билан эшик кесакисини ушлади. Тамбани суриб, темир эшикни ланг очмоқчи бўлди-ю, келинининг «Ойижон, эшикни очишдан аввал «кўзча»сидан ташқарига қаранг, келган одамни танисангиз, кейин очинг», дея қайта-қайта гап уқтиргани ёдига тушиб, киприкларини пирпиратиб, ташқарига тикилди. Ҳа, онаизорнинг кўнгли адашмаган экан: газета ва журналлар солинганидан қаппайган каттақон сумкасининг тасмасини кифти аралаш бўйиндан айлантириб, ўгириб олган қирқ ёшлардаги киши муртларини бармоғининг учи билан текислаб,

асабийлашиб турарди.

— Ким у? — деди онаизор овози хиркираб, почтачини яхши таниб турган бўлса ҳам.

— Орзуул момо, очинг, бу мен, почтачи Асқарман! — деган овоз эшитилди ташқаридан.

Кампир хурсанд бўлиб, эшикни очди. Саломлашишган бўлишди.

— Зап келдинг-да, болам, — деди момо кўзларига ёш қалқиб. — Кимдан йигирма минг сўм қарз олсам экан, деб роса хуноб бўлиб ўтирувдим, айланай... Одамларга ҳам хайронман, тадбиркорлик қилаётган бўлсанг, давлат сенга шунча шарт-шароит яратиб берган бўлса, жарақ-жарақ пул топганидан сўнг солиқини ўз вақтида тўлагин-да! Улар солиқни тўлашмаса, бизга давлат пенсани қаердан олади, а, болам?

Асқар почтачининг юзи хижолатдан қизарди. Негадир момонинг кўзларига қарашга юраги бетламай тескари ўйрилди. Чунки у нафақа эмас, Орзуул момага терговдан чақирув қогози келтирган эди.

— Энди, момо, мендан хафа бўлмайсиз-да! Асқар кампирнинг кўнглини ўқситиб қўйишдан хавотирланиб, ҳар бир сўзини ўйлаб гапира бошлади. — Пенсияни кейинги ҳафталардан берамиз, дейишяпти... Жуда қийналиб турганингизни биламан. Келинмикин айтувди, «момага пул жуда зарур бўл қопти», деб... Лекин бизам кўпчиликмиз, ойлузим зўрга етади. Сизга ёрдам беролмаганимдан хижолатдаман.

Орзуул момонинг кўзларига тун чўкди. Энди унинг кўнглида ой чиқса ҳам, барибир «милт» этганчалик ёришмасди. Онаизор гангиб қолди. Нафаси сиқилди. Ахир почтачининг эшигини тақиллатиб бориб, чарчаганини ўзи ҳам яхши биларди-ку! Бидиб туриб, нега қуруқ қўл билан келди? Еки «Сизга пул келиши билан «беочарад» бераман», деб айтгани келдимикан-а?

— Пулинг бўлмаса... унда, тинчликми? — кўнгли ниманидир сезгандек, хавотирланиб, ботинолмай гап қотди кампир.

— Нима десам экан-а, — Асқар бир ҳафтадан буён устара кўрмаган иягини бармоқлари билан эзгилади. — Мома, айтмай десам ҳам бўлмайди, хизматчилик! — У сумжасини титкилаб бир энлик муҳрланган қозоқ чиқариб ўқиди.

— Сизни эртага, соат тўққизда, туман Йчки ишлар идорасининг тергов бўлими майори, терговчи Миржаъфаров ўзгингиз «...Асадбекка етказилган оғир тан жароҳати хусусида»... Сизни ҳам гувоҳ тарихида чақиряпти... Тайинланган муддатдан кечикмасдан бориш сўралади. Паспортингиз

билан боришингиз шарт... Мана бу ерга чақирқ қозонини олганингиз тўғрисида қўл қўйинг...

Аслида чақирув қозоғида онахоннинг айбланувчи сифатида сўроқ бериши айтилган бўлса-да, почтачи Орзуул момони аяганидан «гувоҳ» сифатида, дея ўзидан тўқиб қўя қолганди.

Бу хавар момага ёмон таъсир қилди. Чунки олтмиш уч ёшга кирган бу аёл умри мобайнида бундай идораларнинг эшигини сира кўрмаганди. Тўғри, бир маротаба ички ишлар идорасига борган, у ҳам бўлса паспорт олиш учун... Почтачининг «терговча бораркансиз», деган гапидан алланечук хавотирга тушиб, ваҳимада оғзи қуриб, тили танглайга ёпишди. Тилининг учи билан лаб-лунжини намлаб, шикаста товушда:

— Судга нимага бораман? — деди зўрга нафаси хирллаб. — Судга жиноятчиларни чақириб, кейин ҳужм чиқаришиб, қамаб қўйишади, деб эшитганман... Наҳотки...

Орзуул момо ўзини тамоман йўқотиб қўйди. Унинг юраги ҳаққириб, юзидан қони қоачётганини кўрган Асқар қандай қилиб бўлса ҳам бу аёлнинг кўнглини хотиржам қилишига уринди.

— Сиз қўрқманг, — деди у ўзини хотиржам кўрсатишига уриниб. — Уғилларингиз, Раҳматжон билан Асатжон сал эгжиллашиб қопти, деб эшитувдим. Аччиқ устида Асатжон «акам билан онам урди», деб мелисага, судга ариза ташлапти... Терговчини ҳам, судни ҳам сизга ўхшаган она тукқан-ку! Нима, боласига она танбех бермаса, акаси уришмаса, унда билмадим, ким бундай ҳолда бу говбошларга таъсир қиларкан...

Орзуул момо узатилган чақирқ қозонини икки қўллаб тутаркан, бир парча қозоқ бутун баданини жимирлатиб, қорнининг пастини музлатиб юборди. «Наҳотки, бир шапалоқ урганим учун Асатжон мени — ўз тукқан онасини, отаси қилмаган яхшиликларни қилган, ўқитган, уйлантириб, тагига машина олиб берган акаси — Раҳматжонни судга бериб, «қаматаман», деб ўтурса... Ана холос, бу иснод-ку! Энди қишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юрамиз?!»

— Нима дедингиз?

Орзуул момо почтачининг саволидан сўнггина ҳушини йиғиштириб олди:

— Ҳа, ўзим шундай... — деди у қайгуланиб. — Қачон боришим керак экан?

— Эртага, эрталабки соат тўққизда! — деди у аниқлик киритиб. Сўнг сумжасини қовлаштириб яна битта, худди Орзуул

момога бергандай қогоз чиқарди. — Бунисини Раҳмат акамга бериб қўйарсиз. Ҳойнаҳой, у кечкурун сизнинг ёнингизга келса керак!..

Кампир қаҳриқ қозоғларини қўл қўйиб оларкан, Аскар зинадан секин тушиб кета бошлади. Қўққисдан миясиза зўр фикр келган кишига ўйшаб, илкис ортига бурилди:

— Ҳа, айтмоқчи, — деди ўсмоқчилаб, — эртага Раҳмат акаларниқиди тўй, деб эшитдим. Тўйхат берибдилар бизга ҳам. Худо хоҳласа, кечкурунги базмига ўтамиз. Яхши қолинг...

Кампир почтачининг бу гапларидан баттар эзилди. «Ҳаҳ, товўқмия, — деди у ўзича тўнғиллаб эшигини ёпаркан. — Шу «повестка»нинг тўйдан кейин берсанг ҳам бўларди-ку! Энди ҳамманинг таъбини тирқик қилсан...»

Орзугул момо ҳафсаласи пир бўлиб, оёғидаги шиппагини ечиб, оромкурсига муштипар бўлиб, божимланиб ўтирди. Тобора қуруқшаб бораётган танглайини тамишаб, чойнақдаги совуб қолган кўк чойдан пиёлага қуйиб хўпларқан, чап кўксиди фавқулодда санчик сезиб, гўжанак қилиб йиғилган оёқларини илкис узатиб юборди, бошини силтаб орқага кўтарди. «Юрагим санчи шекили», ўйланди она, чуқур «уф» тортиб. Сўнг ўзича почтачига нисбатан ноҳақлигини тан олгандек пичирлади:

— Уелимини худо уриб қўйган бўлса, бечора пўштачида не айб? Ахир унинг ўрнида мен ёнки ўғлим Раҳматжон бўлганда ҳам бу лаънати қозоғларни ўз эгаларига белгиланган вақтда топширган бўлардик... У бечорада айб йўқ... ҳамма айб ўғилча.

Эҳ, бу Асатжон... Мени элу халқ ўртасида юргүлик қилмади-да! Айбим, уни дунёга келтирганимми? Емай-едириб, киймай-кийдириб, отасиз ўсаяпти, ишқилиб ўқимасан, деб роса талтайтириб юборган эканман-да! Болам яхши бўлсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин дедим, қошу қозоғига қарадим. Нима сўраса айтганини муҳайё қилдим... Ана оқибат! Афсус!.. Ҳаҳ, ўғлим-а, ким ўйлабди, улғайганигда шунчалар баттол ва мунофиқ бўлишингни!... Ҳаҳ, ярамас бола, ўз жигарингни судга бергунингча, ўлиб кетсанг бўлмасмиди?..

Онаизорнинг кўзларига ёш қуюлиб келди. Киприklarининг орасидан сизиб келаятган ёш томчилари момонинг эрта ажин қоплаган юзидаги буришган бурмаларда тўпланиб, даҳанига осилиб, туриб қолди. Она кўнглида ножўя фикр пайдо бўлганидан, ўз жигарпорасига ўлим сўраганидан қўрқиб кетди. Наҳотки... наҳотки, чумолининг ҳам жонига озор беришдан қўчиб, товонига

эхтиёт бўлиб юрадиган аёл ўз боласига Парвардигордан ўлим тиласа-я!

Орзугул момо чап қўлининг қафти билан қосини аралаш юзини сидириб, кўзларининг қосасини бармоғи билан босиб, ишқалаб-ишқалаб артаркан, даҳанида илашиб турган ёш томчилари онаизорнинг чўзинчоқ юзини ҳўл қилди.

У шошиб-пишиб қўлларини кўкси узра бирлаштириб, қафтини фотиҳага очди: «Ё, худо, қилган шаккоқлигимни ўзинг кечир, боламнинг умрини узоқ қилгин. Фақат тавфиғини бергин, тавфиғини!... Шунини тўққасимдан кўра, итнини тўғсам бўлмасмиди...»

Онанинг гаплари бўғзига тақалиб, туриб қолди. У бир ҳафта бурунги можарода худди шу гапга кенжабойи — ўттизини «гурсиллатиб» қўйган Асатиллонинг қандай жавоб қайтарганини эслади.

* * *

«Ҳой беномус, келиб-келиб, ўз онангни, тузишган акангни ўзри қиласанми-я? Пулинг бошингда қолсин! Очдан ўлсам-ўламанки, сенинг бир тийинингга ҳам тегмайман... Йигирма минг сўм эмиш-а? Сенга беш минг доллар ёнидан тўлаб, машина олиб берган акангни «йигирма минг сўмимни ўзирлади», дейишга, бадном қилишга қандай бетинг чидади, қандай тилинг борди? Бу кунингдан ўлганинг яхшимасми?» деганда ўшанда Орзугул момо зор йиғлаб. «Одамлар сенинг бу гапларингни эшитса бизни ким, деб ўйлайди? Ахир, аканг бир ҳафтадан сўнг келин тушираман, деб турган бўлса... Худодан қўрқмайсанми?..»

Қуюқ соқоли захил юзини тўсган, ўзича «маданий» кийинган ўттиз ёшлардаги Асатилло оғзидаги тилла тишларини ярақлатиб, истехзо аралаш қолди:

— Раҳмат пулни мен олмадим, деяпти! Ўша куни машинани шундоққина айвонингизга қўйгандим. «Бардочоғида яхлит, бир пачка икки юзталиқ бор эди. Сиз олмаган бўлсангиз, ўзлингиз олмаган бўлса, унда ким олади, ким?»

Асатилло жазавога тушиб «Жигули» эшигини тарақлатиб очди:

— Хўш, қани, қани ўша пул? Йигирма минг-а!

Онаизорнинг ўпқаси тўлди. Кўз ёшларини тиёлмасдан йиғлаб, ўғлига ялинди:

— Жон болажоним, Асатилло, «йигирма минг» экан-ку! Балки бошқа биров олгандир...

Давоми 36-40 бетларда

УЛУФ ДАРГОҲ

Ҳаёт қизиқ экан, ўз касбингнинг сирларига тушуна билиб, қўлингдан нима келишини англаб етганимда, куч кетар экан. Театрдан, назаримда, жуда эрта кетдим... афсусланаман.

Кўп савол беришади, театр сиз учун нима, деб. Меънинг жавобим битта, театр — менинг ҳаётим, яшаб ўтган ҳаётим.

Инсон бахт ичида юрганида ўзининг

Римма АҲМЕДОВА:

ТЕАТР

бахтли эканини унчалар ҳам ҳис қилавермайди. Мен ҳам бугун кўп ўйлайман, театрга кириб келган кунларимни, ишлаган пайтларимни. Театрдалигинда қаерда, кимлар билан ишлаётганимни билмас, сезмас экансан. Билганинг, сен шу театрда, жамоа билан бирга эканлигинг. Бугун эса... ҳаммасини бир бошдан ўйлайман, ўша пайтда бўлган қувончли, қайғули кунлар, устозлар, атрофимдагилар, хуллас, театр билан боғлиқ барча-барча нарсалар хусусида.

Мен институтданоқ яхши устознинг қўлига тушганман. Тошхўжа Хўжаев, биз уларни Тўла Хўжаев дердик. Жуда чуқур билим берганлар устоз. Ўша пайтда театрга битта ё иккита актёр қабул қилинарди. Актёр танлашда «бу актриса Сорахоним Эшонтўраеванинг ўрнини боса олади», каби фикрларга таяниларди.

Талабалик пайтимизда кўнглимизда «Театрга ишга боргач, қандай роль бўлса ҳам ўйнаб ташлаймиз, шундай кучлимиз», каби даъволар бор эди. Лекин театрга келгач, умуман бошқа муҳитга келганимизни тушундик. Ҳақиқий театр нималигини англадик. Бу ердагиларнинг бир-бирига, сахнага, театрга ҳурмати, ўзaro муносабати шу қадар самимий эди.

Театрда қолиб кетардик кўпинча. Қўйилишидан олдин асар залда, актёрларнинг барчаси йиғилиб, ўқиларди. Ва табиийки, асар ўқилиши жараёнида ҳар бир актёр ўзи учун роль кўзлаб қўяди. То ролга тайинлангунча ўтадиган кунлар, гумонлар, ўйлар... Роллар тақсимлангандан сўнг ким хурсанд, ким хафа... Бир-биримизни табриклашлар... самимий эди ҳамма-ҳаммаси.



МЕНИНГ

Бу даргоҳда ҳатто қаттиқ гапириш мумкин эмас деб ҳисоблардик. Шу қадар эди устозларнинг, театрнинг салобати. Театрни, сахнани шу қадар муқаддас билишарди ва бизга ҳам худди шундай таълим беришган.

ПАСТАШГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Устозларим... мен билган барча устозлар миллатнинг ҳақиқий зиёли вакиллари эди. Уларга қараб биз, барча сафдош ҳамкасблар ҳам театрнинг, сахнанинг, касбимизнинг нақадар мураккаб, масъулиятли эканини ҳис қилардик. Обид Жалилов — мени ҳайратга солган актёр. Обид ака «Бой ила хизматчи»да бойни ўйнади. Кузатардим, Обид акада бойнинг вазоҳати бор, лекин бугунги кўнчилилик актёрларнинг тушунчасига ўрнаб қолган бой ёки подшоҳ образлари бақариб-чақариши керак деган фикр йўқ. Нега бақариш керак, ахир ҳамма унинг оғзига қараб туради-ку?!

Ғани ака, Ғани Аъзамов қандай актёр

эди?! Худди тирнинг устида тургандек ўйнарди ролларини! Ҳозир эсласам, устозларнинг салобатини янада теранроқ ҳис қиламан. Нафақат бу инсонлар, нафақат уларнинг қаторидаги устозлар, балки барча мен билан бирга ишлаган сафдошларимдан ҳам кўп нарса ўрганганман.

Устозларимиз асли «Уни бундай қил, мана бу ролни бундай ўйна», дейишмас, биз барчасини уларнинг юриштиришларига, сахнада ўзларини қандай тутишларига, ишга, бир-бирларига муносабатларига қараб ўрганганмиз. Уларнинг бутун устозлик салобатлари ҳам шунда эди деб ўйлайман.

Мени ҳамиша қойил қолдирган ҳолат — устозларимизнинг ўта чидамлиги, халққа бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромлиги эди. Гастролларга борардик. Баъзан қишлоқ жойларда, спектакл қўйиш учун умуман имконият бўлмаган ерларда ҳам спектаклни ўзимизнинг театрда қандай бўлса, шундай қўйишарди, ўша даражадан пастига йўл қўйишмасди, ролларини шунчалик ўйнашмасди, бизни ҳам шунга ўргатишарди.

ЧИН БАХТ

Қуш бир қанот билан уча олмайди, унинг икки қаноти ҳам бутун бўлгандагина парвози кўнгидагидек бўлади. Шу маънода, инсонга ҳам оиласи бир қанот бўлса, севимли касби иккинчи қанотдир. Оиланга ҳаловат бўлса, ишда ҳам тинч бўласан. Айниқса, актёр учун бу жуда муҳим...

Фарзандларим... табиийки, актёрликни

ҲАЁТИМ

орзу қилишди. Катта қизим, кейингиси ҳам шу йўлдан боришни исташди. Мендан маслаҳат сўрашди. Катта қизимнинг тил ўрганишга қобилияти баланд эди. Она сифатида унга тўғри тушунтирдим. Хуллас, иккала қизим ҳам бугун оилали, бола-чақали, севимли касблари бор, гарчи актриса бўлмаган бўлишса-да...

Лекин Бобур сўраб ўтиргани йўқ. Ёшлигидан кинода суратга тушди, олқишларни, мақтову гулларни кўрди.

Мен билан ҳамиша театрда бирга эди. Фақат отаси «Бу ерга ишлагани келсан, сен ўғлимизни етаклаб келсанг, эртага бошқа биров ҳам боласи билан келади. Менинг тилим қисик бўлмасин», деганларидан кейин, театрда бошқа келмади. Бироқ гастролларда ҳамиша мен билан бирга эди-ку, ҳамиша биринчи қаторда ўтирарди-ку! Бир спектаклни неча қайта томоша қилар, ҳатто ёд бўлиб кетарди унга...

Бобур 9-синфни битирганида мақсадини сўрадим, у «артист бўламан», деди ўйлаб ҳам ўтирмай. Бу касбнинг мушкуллигини, осон бўлмаслигини тушунтирдим, лекин Бобур ҳаммасига битта жавоб қайтарди: «Фақат артист бўламан, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас!» Айтганимдек, қийналди. Иш, ўқиш, сёмкалар... лекин қанча қийналса, шунча ҳаракат қилди. Бугунгача қўллаб спектаклларда роллар ижро этди, бир қанча киноларда суратга тушди. Мен учун, она учун бу жуда катта бахт. Касбдош сифатида унинг ютуқларини, камчиликларини кузатаман. Премьераларида, спектаклларида қатнашман. Лекин ролни қандай ўйнашни ўргатавермайман, чунки бизнинг мактабимиз бошқа эди, уларга қўйилаётган бугунги талаблар мутлақо





бошқа. Менинг ўргатишларим уни доводиратиб қўйиши мумкин.

Тўғри, мен актрисаман, лекин болам учун, аввало, она сифатида қайғураман. Ўзим ўйнаган роллардан мағрурлангандан кўра кўпроқ қувонаман ўғлимнинг ютуқларидан. Таъкидлаганимдек, бу — бахт, чин бахт. Ҳаётингдаги битта вазифани бажарганинг, бажарганда ҳам яхши бажарганинг.

ХОТИРАЛАР... АРМОНЛАР... УМИДЛАР...

Иш билан ҳамиша банд бўлган пайтларимда «театрдан, дубляждан бўшаб, 3-4 кун дам олсам», деб орзу қилардим. Уйда қолган куним эса ҳеч ким сўрамай қолса, ваҳимага тушардим: наҳотки, энди чақиришмаса, наҳотки, энди керак бўлмасам, деб. Чунки актёр учун ҳамиша керакли бўлиш муҳим.

Актёрлик қизиқ — қарам касб. Ҳар хил вазиятлар бўлади. Сен театрда ўз ўрнингни топа олсанг, режиссёрни «Бу актёрнинг қўлидан келади, роль топширсанг уялмайсан», деган фикрга олиб кела олсанг, демак, марра сеники.

Актёр учун ўзи истамаган ролни ўйнашдан азоби йўқ. Шундай бўлсада, режиссёр ўйлаган қаҳрамонини сенинг тимсолингда кўришни истадими, кўрсатиб беришинг керак. Нима бўлганда ҳам актёр ўзини қаҳрамонининг ўрнига қўя билса, мен мана шу вазиятдаги одамман, деб ҳисоблаб, қаҳрамон ҳолатини ҳис қилиб, ўзидан ўтказа олсагина роль ҳаётий чиқади, бусиз мумкин эмас. Асли қаҳрамон ҳолатига бир тушиб олсанг, у ёғига ролнинг ўзи олиб кетади.

Бугун шулар ҳақида кўп ўйлайман. Саҳнани қайта кўрмаслигимга ишонмайман. Ақл билан тушунаман, лекин кўнгил тан олмайди. Одам барибир умид билан яшайди.

Ҳаётимдан афсусланмайман. Агар бошидан бошлаш имкони бўлса, яна театрдан бошлардим. Барибир яна ҳаётим шу йўсинда ўтарди. Бошқа жойда барибир ишлолмасдим. Ҳаётимдан, шу театрга келганимдан, улф устозлар, буюк актёрлар билан бирга ишлаганимдан бахтиёрман.

Бир армоним... устозлар ҳақида кўрсатув қилиш ниятим бор эди... Мен актрисаман, театршунос, санъатшунос эмасман. Устозлар билан саҳнада яшаб ўтганман. Уларнинг нафақат театрдаги фаолиятлари, ҳаётда қандай инсон бўлганликлари, иш жараёнидаги қизиқ ҳангомалар, менинг, бизнинг авлод актёрларининг ҳаётида қандай из қолдирганликлари ҳақида кўрсатув қилишни истагандим. Бунга телестудиядагилар ҳам рози бўлишганди. Анча кутишди. Минг афсус...

Бу синовлар менга юборилган экан, булар фақат менинг дардларим. Уларни ўзим тортишим керак. Дод-вой қилган билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Бу кунларни ҳам, дардни ҳам жимгина яшаб ўтиш керак...

Ҳаётимдан розиман. Муҳаббат билан яшадим, севилдим, севдим. Устозларнинг, касбдошларнинг, яқинларимнинг, атрофимдагиларнинг, болаларимнинг меҳри, эҳтироми билан яшадим, яшайман. Кунларимга шукр қиламан.

Зумрад ВАҲОБОВА тайёрлади

Тўлқин МУҲИДДИН

КУЛЧА НОН

Абдулла ака кекса онасининг қулуғига энгашиб деди:

— Ойижон, Аъзамжон билан Маҳмуджон укаларим эртага бизникига келишмоқчи.

— Тинчликми, болам, олдиндан айтяпсан, эшигимиз очиқ, келишаверсин, ё бошқа гап борми, қуляпсан?!

— Ахир эртага таваллуд куним — етмишга тўламан, ойна.

— Вой, айланай сендан, етмишга чиқиб қолдингми-а, ойнанг ўрилсин!

Она уни қучиб, пешонасидан ўпти.

— Унда эртага тонгда туриб, сенга ўзим кулча нон ёпи бераман, болажоним. Укаларинг билан бир маза қиласизлар.

УМР

Мастурабону икки мучал кам юз ёшни қоралаётган тўнғич ўғли Эркин отани қақриб деди:

— Эркинжон, болам, «ғир» этиб гузарга туш. Махсум деган уста бор. Тутдан тороқ қилиб сотади. Битта чиройлисини сотиб олиб чиқ, тароғининг тишлари қолмабди. Бу ишга укаларингдан қўра ўзинг чаққонроқсан.

— Ойижон, Махсум ота қазо қилганларига элик йил бўлиб қолди. Болалари ота касбини олишмаган. Агар тут тороқ керак десангиз, эски шаҳарга тушиб чиқаман.

— Шунақа де? Анвархон уканг унинг ўртанча ўғли билан тенгдош, бир кунда туғилишгани эсимда. Доя бечора бизнинг уйдан чиқиб, шошганча уларнинг хонадонига чопган эди. Унинг онаси ҳам оғироёқ эди-да, ўшанда. Қара-я, кунлар шунча тез ўтадимиз?!

ВАФОДОР

Қўшнимиз Эргаш аканинг Тўртқўз исми кучути бўларди. Қариб қолган бўлса ҳам, эринмай

уй соҳибига эргашиб юрар, қаерга борса бирга, ҳаммадан кейинда борарди. Ҳеч кимга халақит қилмай, эгасини кутиб ётарди.

Эргаш аканинг отаси Карим бува қазо қилдилар. Ит жаноза кунини бир чеккага бориб, барини ерга бериб ётди. Овозини ҳам чиқармади. Қабристонга ҳаммадан кейинда борди, маросим туташини бир четда кутди. Бувани қабрга қўйиб, орқага қайтилаётганда, итнинг бир марта «вов» дегани эшитилди. Ҳамма орқасига ўтирилиб, қабр ёнида турган итни қўрди. Унинг кўзларидан ёш оқарди.

КЎНГИЛ

Неча йилдан бери уйимизда бир жуфт тўтиқуш яшарди. Ҳовлимиз йўл қурилишига тўғри келиб, бузиладиган бўлди. Бизга квартира ажратилди.

— Болам, тўтиларни «дом»га олиб кетиш қандай бўларкин? Яхшиси, қўйиб юбора қол. Шунча йил тутқуналикда яшаганлари етар. Қолган умрларини овозликда ўтказга қолишсин, — дедилар ойим нонушта пайтида.

Бу гап менга ҳам, болаларга ҳам маъқул бўлди. Дарахт шохига илиб қўйилган қафаснинг эшигини очдим. Тўтилар қафасдан шу ондаёқ чиқиб, сайраб, шохдан-шохга сакраб, яйрашди. Ҳаммамиз хурсанд, дилимиз ёришиб, ким ишга, ким ўқишга, тарқалишдик.

Кечқурун ишдан келсам, болалар:

— Ада, ада, қушларимиз қайтиб келди, — дейишди бири олиб, бири қўйиб.

Ростдан ҳам тўтилар қафас ичида ҳеч нима бўлмагандек ўтиришибди. Қафас эшиги эса очиқ.

— Ойна, тўтилар учиб кетмабди-ку? —

дедим.

Ойим негадир ҳаяжонландилар. Бирпас жим тургач, титроқ овозда:

— Кўнгил-да, болам. Эскича ҳаётга ўрганиб қолишган, қариган чорларида бошқача яшолмасликларига кўзлари етгандир-да, — дедилар.

ИБРАТЛАР

* * *

Ишонч йўқолган жойда лоқайдлик пайдо бўлади. Лоқайдлик ривожланиш дарахтига тушган қуртдир.

* * *

Қалби тоза одамларнинг уст-боши ҳам тоза бўлади, аммо уст-боши тоза бўлган ҳамманинг ҳам қалби тоза бўлавермайди.

* * *

Кимнинг қандай одам эканлигини билмоқчи бўлсангиз, ўша одамнинг кўзига қаранг. Кўз билан қалб алдашни билмайди.

* * *

Ўтмиш эшигини беркитиб қўйиб, келажак эшигини ахтарманг, барибир тополмайсиз.

* * *

Олижанобликдек оғир юкни ҳар ким ҳам кўтариб юролмайди.

* * *

Андишасизлик билан берилган саволга энг яхши жавоб — сукут.

* * *

Доно одамнинг бир гапидан қирқ маъно англаш мумкин.

* * *

Кўзингизга тик боқиб, илжайганча кўйингизга қўл солгандан кўрқинг.

* * *

Баъзан энгилишнинг ҳам хосияти бор, ундан ўзингизга сабоқ оласиз ва яна келажакнингиз учун режа тузасиз.

* * *

Ақли, билими ва тажрибаси етмаган ишга бош-қошлик қилиш энг катта жиноятдир.

* * *

Бу дунёни тарк этиб кетган инсон ҳақида кейинчалик «яхши одам эди, дейишса, демак билингни, марҳумнинг ҳаёти бекор ўтмаган.

* * *

Орзу-умид остида интилиш, ҳаракат ётади. У тугаса, ҳаёт ҳам тугайди.

* * *

Мақсад сари инитилганга чўққи ҳам буй ётади.

* * *

Ўзлигини англаган инсон иймонлидир.

* * *

Орзу ҳаёл эмас, эришиш мумкин бўлган яқинликдир.

* * *

Туни ҳам кундуздек ўтадиган одамлар бахтлидир.

* * *

Тепага тирмашиб чиқилади, пастга чопиб тушилади.

* * *

Дашном эшитмай десангиз, лоқайд бўлманг.

* * *

Ватан эркини қадрлаган одам инсон деган номга лойиқдир.

* * *

Дилда фикрлаган ютади, тилда фикрлаган, аксинча.

* * *

Дунёда нимани бепардоз кўрсангиз ҳам чирой бериб тураверадилар. Бу саволга битта тўғри жавоб бор — ҳақиқат.

* * *

Фақат ақл кўзидагина чексизликни кўриш имконияти бор.

* * *

Тандирнинг иссиғига чидаган новвой ҳар куни иссиқ нон ейди.

* * *

Одамда фазилат кўпайган сари унга бахт эшиклари бирма-бир очилаверади.

Аудиторияда дарс бормоқда... Талабаларга «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанидан сабоқ бераётган домла зимдан талабаларнинг диққат-эътиборини ҳам назардан кочирмай, дарсни давом эттирмоқда. Пашша учса, овози эшитиладиган аудиторияда лекция тинглаётган талабаларнинг бу фанга кизиқишларидан қоникқан дом-



ланинг кайфияти кўтариллади. Домла келажак ворислари бўлмиш ёш авлоднинг Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишларига ҳисса қўшаётганлигидан фахр туйғуларини хис қилганча дарсни аяқлар

Тошкент Молия институтида ректор муовини лавозимида фаолият юритди.

2004 йилдан то бугунги кунга қадар институтнинг «Бошқарув» факультети декани лавозимида келажак авлодга таълим-тарбия бериб келаётган профессор Фатхулла Каримовнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Тошкент Қурувчиси» ва «Фидокор» нишонлари билан тақдирланган.

Фатхулла Каримов Ўзбекистон иқтисодиётини республика оммавий ахборот воситалари орқали халққа тарғиб қилиш билан бир қаторда Малайзия, Италия ва Туркия каби хорижий давлатларда ўтказилган анжуманларда ҳам иштирок этиб, муносиб даражада ўз салоҳиятини намоён қилган. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Молия ва кредит иқтисослиги» илмий-методик кенгаши раисининг ўринбосари сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

УСТОЗ

Фатхулла ака тажрибали педагог-иқтисодчи

бўлиш билан бирга, яхши оила бошлиғи, меҳрибон

ота, садоқатли турмуш ўртоқ ҳамдир.

Фатхулла ака ва Муҳаббат опа беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш, уларни ўқитиб, элга қўшишда бир-бирларига қамарбаста.

Олдинда Фатхулла Каримовнинг режалари, қиладиган илмий ишлари ҳали талайгина. То келажак авлодга

экан, талабалар билан хайрлашиб, оҳиста деканат сари одимлайи...

Ким бўлиб етишишидан қатъий назар, ўқитувчи-устозлар инсонлар ҳаётидаги нурли юлдуздир. Улар бутун умр ўқийдиган, сабоқ ва панд-насихат бериб чарчамайдиган, шогирдлари қамолдан хамиша хурсанд бўладиган касб эгаларидир. «Устоз — отангдек улуғ», деб бежиз айтишмаган.

Ўттиз йилдирки, Тошкент Молия институтида иқтисодчи-педагогик касбини улуғлаб, келажак авлоднинг малакали таълим-тарбия олишни, етук иқтисодчи кадрлар бўлиб етишишига самарали ҳиссасини қўшиб келаётган Фатхулла Каримовнинг сермазмун ҳаёти эзгуликларга тўла.

Фатхулла Каримов Тошкент Халқ хўжалиги институти «Бухгалтер-иқтисодчи» йўналиши бўйича битириб, 1970-73 йилларда институт аспирантурасида ўқиди. Билимга чанқоклиги ва ўз йўналишига бўлган кизиқиши унинг ҳар томонлама салоҳиятли, иқтидорли касб эгаси бўлиб етишишига пойдевор бўлиб хизмат қилди. 1974 йили иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ёқлаган Фатхулла Каримов институти «Саноат иқтисодиёти» кафедрасида катта ўқитувчи, 1977 йилдан эса кафедра доценти вазифасида фаолият кўрсата бошлади.

1975-80 йилларда сиртки-кечки факультетда декан муовини, 1980 йилдан бошлаб, декан вазифасида талабаларга етакчилик қилди. 1991 йилдан 2004 йилгача



таълим-тарбия беришга салоҳияти, куч-қуввати етар экан, бу фахрли, эзгу ва улуғ йўлдан дадил бораверди. Устознинг оидин ва нурли йўлдаги мақсадларига умрбоқийлик тилаб қоламиз.

Марям АХМЕДОВА,
Алишер ЭРДАШЕВ

ЧОТҚОЛНИМ - МЕНУНУҢ ФАХРИМ



Чотқолнинг таърифини эшитганимда энтикканман. Бир кўришни, соф ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишни орзу қилганман.

Мана, уни кўриш насиб этди. Бобомдек адл, вазмин тоғ рўпарамда...

- Ассалому алайкум, — деб таъзим қилдим унга. Қачонлардан бери кўришни орзу қилиб юрганим —

бобо тоғдан садо келгандек бўлди:

— Ваалайкум ассалом!

Қалбим севинчга тўлди...

Атрофдаги манзаралардан кўзларим қувнайди. Арчазорлар, майсазорлар, бутазорлар... Узоқдан тоғ эчкиси бир кўриниб, зумда кўздан ғойиб бўлди. Сайроқи қушлар хониш қилиб, худди: — Хуш келибсиз! — дегандай бетиним сайрашмоқда.

Қушларнинг овози мени бутунлай мафтун этди. Бир-бирига гал бермай, ўз тилларида чуғурлашиб, балки тинч, осуда ҳаётлари ҳақида кўшиқ айтгандирлар.

Ана, шаршара, қуёш нурида ажойиб

Илфоз

ДАҚИҚАЛАРИМГА

Ҳар бир кўнғироқдан бир ҳаққирар дил,
Қўлларимдан тортар ҳар бир кўнғироқ.
Сенинг овозингни олиб келмас, Гул,
Мени алдайверар телефон бироқ.

Дақиқаларимга экаман мазмун,
Мазмунтол безайди умрим вақтини.
Сеҳргар соатлар ўқийди афсун,
Менга ҳада қилиб кўтиш бахтини.

Қулоғимга секин шивирлар гўшақ,
Ўн нуқта термулар — оғрийди кўзим.
Бармоғим пайпасасар — ишқ истаб бешақ,
Кўнғироқ қилишга лек бермас изн.

Яна бир кўнғироқ — яна бир илинж,
Нақадар ёқимли алдамчи оханг.
Лабларимга томар табассум — ич, ич,
Овозинг, овозинг — илоҳам.

Товушлар дорбоздай югурар симда,
Сўкиниш, хўрсиниш, кулгу, дук, янги.
Товушлар қалбимга қўл солар зимдан,
Товушлар ахтарар қилнинг қийғин.

Ул маҳзун овоздан дарак йўқ бироқ,
Кўнглингни эшитмас хоҳ йиғла, сиқта.
Сўнгсиз чорламоқда яна кўнғироқ,
Кўзимга термулар яна ўн нуқта.

Туйғуларим тонлар каби тиниқ эди,
Аммо юрак дарз кетганди — синиқ эди,
Келмадингиз, келмасингиз аниқ эди,
Кўнглингизда гумонлар кўп, гумонлар кўп.

Соғинчингиз боғлаб қўйиб, соғинасиз,
Тушларда сўроглаб қўйиб, соғинасиз,
Бизни тигга чоғлаб қўйиб, соғинасиз,
Йўлингизда ҳижронлар кўп, ҳижронлар кўп.

Тушунмайман, кўнглимизда киримиз йўқ,
Биримиз бор жойда ахир биримиз йўқ,
Севгидан-ку, бўлак бирор сиримиз йўқ,
Орамизда ёмонлар кўп, ёмонлар кўп.

Қарамайсиз, суймай-суймай куйдирасиз,
Гоҳ бир кулиб, яна минг чанд куйдирасиз,
Қош уясиз, лек қовушмас уйдирмангиз,
Қошингизда ёлғонлар кўп, ёлғонлар кўп.

манзара кашф этмоқда. Ҳовучимга тўлдириб сув ичаман. Бу сувлар покиза, шифобахш, чунки улар тоғлар бағридан сизиб чиқади...

Чотқол тоғ тизмалари узоқ-узоқларга чўзилган. Худди баҳодир оғайнилар каби бир-бирларига елка тутишган. Қишда ҳам, ёзда ҳам қорли чўққилари кўёш нурида ойнадек ялтираб, кўзни қамаштиради.

Бу ерда ажойиб қўриқхона бўлиб, унда «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар, қушларнинг сони жуда кўп. Диққат билан атрофга боқаман, қайси бир ҳайвонни кўра эканман, деб. Қўққисдан тулки ўтди. Қандай чиройли у... Малла тўни, узун хурпайган думи... Юришлари чаққон. Тулки ҳақида эртақларда ўқиганимни эсладим. У айёр эмиш. Балки шундайдир. Яшаш учун курашлардан сўнг айёрликни одат қилгандир ўзига.

— Бу ердаги ҳайвону қушларни ҳеч

ким таъқиб қилмайди. Овчилар бу қўриқхонага киритилмайди, — дейди қўриқхона ходими Холиқ ога...

...Осмондаги булутлар пастлади, шитирлаб ёғётган ёмғир атрофга ўзгача гўзаллик бахш этди. Ут-ўланлар тебраниб, ёмғирда чўмила бошладилар. Уларнинг жамоли янада кўркамлашди...

Худди шу лаҳзада Чотқол мусаффо осмон остида минг йиллар давомида ҳусни, жамоли, бой маъданлари-ю меҳрли нигоҳи билан бизларга фақат яхшилиқни тилаб тургандай туюлди менга...

Чотқол таассуротларини бир умр энтикиб-энтикиб эслайман. Унга таппинаман.

Малика РАҲМОНБЕКОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори

ЭКАМАҲ МАЗМУҲ

ЮРАК

Қаерга борайин ўзимдан қочиб,
Кимдан паноҳ сўрай, кимдан роҳ сўрай?
Ўзимни майдалаб, ўзимни сочиб,
Кимдан бир табассум, кимдан оҳ сўрай?

Айт, кимга ўзимдан шикоят қилай,
Бу телба юракни ёмонлай кимга?
Минг алдаб-аврайн, минг сийпаб-силаё,
Ортиқ бўйсунмайди менинг изиммга.

У бутун танамни қамалга олган,
У бутун танамни забт этган тамом.
Мендан энди фақат бир сурат қолган,
Шу сурат судралиб юрибди ҳамон.

Кимга тушунтирай — ўзим билмасам,
Нималар истидай бу девона дил.
Кулсам қовоқ солса, хафа кулсам,
Минг йиллик қадрон бу бегона дил.


Севиб қолдингми ё айтсангчи, юрак,
Сиқиб юбординг-ку мени қисиниб.
Ким у айт, пойига бориб бош урай,
Ҳеч бўлмаса айтгин унинг исмини!

Дераза раҳини чертади ёмғир,
Тунни тилим-тилим этар чироқлар.
Қаршимда ўтирар бир хаёл — оғир,
Кимнидир соғиниб, кимни сўроқлаб.

Ёмғир шивалайди, шивирлар секин,
Недир йўқотгандек юрагим дилгир.
Кўзимни юмаман — хонада неки
бор рақсга тушар, айланар гир-гир.

Пиёла лабида лаб изи қолган,
Кўзгу юзларида кулади кулгич.
Оғир курси оғир хаёлга толган,
Титроқ елкаларин силайди илгич.

Дераза раҳини чертади ёмғир,
Кунглимда тизгинсиз туйғу елади.
Олисга термулиб кўзларим оғир,
Хонамдан атиргул иси келади.



Воҳид ЛУҚМОН





Оилавий @ШФ

Етти эпизодли комедия

Охири. Боши ўтган сонларда

ОТА. (Ўзига ўзи, мамнун). Вазифа беишқал бажарилди. (Бошқаларга). Иш тамом. Энди ўтирайлик. (Ўтиришади). Қани, сен бир нарса деб юбор, ўлим.

ЎФИЛ. (Қадаҳ кўтаради). Шу хонадонда менга битта меҳрибон ука камлик қилиб туриб эди. Мана, укалик ҳам бўлдим. Дадам билан ойим ҳам яна бир ўғиллик бўлдилар. Синглим эса содиқ умр йўлдошини топди. Бир оилада шунча орзунинг бирданига ушалишига сабабчи бўлган шу яхши йигитнинг саломатлигига ичайлик.

ОТА. Ҳа, оиламизнинг янги аъзоси саломатлигига ичайлик.

(Ичадилар. Зиёфат балан руҳда давом этади). ҚАЛЛИҚ. Дадажон, мана шу ажойиб лаҳзани суратга олай. Тарихда қолсин.

ОТА. Майли, ол, болам.

ҚИЗ. Дарров олинг. Ойим оғмачилар. Баҳор ҳавосидек тез-тез айниб турадилар.

ЎФИЛ. Ҳа, дарров фотоҳужжат ярат, ука. Ойимлар яна айниб қолмасинлар.

ОНА. Мен энди сира айнаймайман. (Атайин пўписа қилиб). Агар сенинг янги топган меҳрибон уканг айниб, бу хонадонда ягона акаликни даъво қилмаса. (Келинга ҳазилашиб наштар назар ташлайди).

ҚАЛЛИҚ. (Гангиб). Йўқ, йўқ. Мен ҳеч нарса даъво қилмайман, холажон... йўғ-ей, ойижон.

ОТА. Бу хонадонда энди ҳеч ким ҳеч нарса даъво қилмайди. Гап биттами, ойиси?

ОНА. (Жиддий). Гап битта!

ОТА. Келишдикми?

ОНА. Келишдик!

ОТА. Мана бу лаҳза тарихда қолишга арзийди. Қани, ол суратингни, кувё. (Қаллиқ аппаратни тўғрилаб, столга қайтади).

ҚАЛЛИҚ. Бемалол ўзларингни интизомга солиб

олишларинг мумкин. Сьёмкага атайин анча вақт қолдирдим. (Шошиб ўзларини интизомга соладилар. Келин бирданига пиқиллаб йиғлай бошлайди).

ОТА. Нима гап, келин?

КЕЛИН. Раҳматли ойим эсимга тушиб кетди.

ОТА. Шундай кутлуғ соатда марҳуманинг эсингизга тушгани қизик.

КЕЛИН. Ойим ҳам худди шундай кутлуғ соатда сиз билан бирга менинг тўйимга фотиҳа бердилару, эртасига эрталаб ўлиб қолдилар.

ЎФИЛ. (Бепарво). Ҳа, ўшанда тўйимиз бир йилга кечиккан эди.

КЕЛИН. Мен тўйимизнинг кечикканига эмас, ойимнинг ўлиб қолганига йиғлаяпман. (Ўрнидан сапчиб туради. Ичкари хонага кириб кетади).

ОНА. Яна нима гап, келин?

КЕЛИН. Зарур ишим чиқиб қолди. (Ичкарига кириб, шоҳи тугунча кўтариб чиқади).

ОНА. Қаёққа кетяпсиз, келин?

КЕЛИН. Мозорга. Ойимнинг бошига. Бир йиғлаб юрагимни бўшатиб келмасам, бўлмайдиганга ўхшайди... (Чиқиб кета бошлайди. Ота уни бир чеккага тортади).

ОТА. Шу топда қабристонга бориб нима зарур, келин?

КЕЛИН. (Секин). Мен мозорга эмас, ниқобдорлар олдига кетяпман. Жуда зарур иш чиқиб қолди.

ОТА. Қанақа иш?

КЕЛИН. Айтолмайман. Ахир, қасамёд қилганман. (Шошиб чиқиб кетади).

ОТА. Сизлар бемалол гаплашиб ўтиринглар. Мен тез келаман.

ОНА. Сиз қаёққа?

ОТА. (Соатга қараб). Биров билан шу соатда учрашишга ваъдалашган эдим. Мен тез келаман.

(Кетади).

ОНА. (Ўрнидан туриб). Менинг ҳам мазорга боргим келиб қолди шу топда. (Ичкарига кириб, шоҳи тугунча билан чиқади). Савоб ишни кечиктириш яхши эмас. (Кетади).

ЎФИЛ. Мен ҳам борай. Жўраларим билан учрашадиган эдик. Сизларни энди ёлғиз қолдириш маъкулроқ. Ўйнаб-кулиб ўтиринглар, қадрдонлар. (Шошиб чиқиб кетади. Қаллиқ ҳам кетиш ниятида, аммо баҳона тополмай безовта).

ҚИЗ. Сиз ҳам уятсиз экансиз. Акам бизни ёлғиз қолдирмоқчи бўлса, тилингнинг учида бўлса ҳам «йўқ» демадингиз-а?

ҚАЛЛИҚ. (Хурсанд). Иккаламизнинг якка қолишимиз уятми?

ҚИЗ. Тўйга фотиҳа берилиши ҳамона куёв билан келиннинг ёлғиз қолишга ингилиши уят-да!

ҚАЛЛИҚ. Уят бўлса, мен ҳам кетаман. Ташвиш тортманг, ҳамма йигилгунча қайтиб келаман. (Тез чиқиб кетади).

ҚИЗ. (Маъюс дастурхонга ўтиради). Эй, худо, уйимизда нималар бўляпти, ахир? (Ҳали тахи бузилмаган дастурхонга назар ташлаб, «уҳ» тартади. Қиз бошини қуйи солиб, маъюс ўтирар экан, магний лоп этиб ёниб, фотоаппарат шириклайди. Бизнинг кўз олдимиздаги манзара энди ҳаёт эмас, унинг қотиб қолган сурати, холос).

ОЛТИНЧИ ЭПИЗОД

Ниқобдорлар хонадони. Ҳар галгидек ҳовлида ҳеч ким йўқ, сукунат ҳукмрон.

Эшик кўнғирори жиринглайди. Икки ниқобдор пайдо бўлиб, эшикни очади. Остонада — Келин. Унинг қўлида ҳалиги шоҳи тугунча.

ИККИ НИҚОБДОР. (Баравар). Ие!

(Келинни ташқарига чиқариб, дарров эшикни бекитадилар).

КЕЛИН. (Ташқаридан эшикни муштлаб). Очинглар эшикни! Очинглар!

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Овора бўлманг, гражданка. Сизни энди бу ерга киргизмаймиз.

КЕЛИН. Нега?

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Бу ерга бир марта келган одам биз томонга йўлни тамом унутиши керак.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Бизнинг қоидамиз шу!

КЕЛИН. (Яна эшикни уради). Илтижо қиламан, очинглар. Менинг устодга айтадиган муҳим гапим бор.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Йўқ, очмаймиз.

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Агар жонингдан умидинг бўлса, тезроқ кет бу ердан.

КЕЛИН. Ўлдирсанглар ҳам кетмайман. Очинглар, деяпман. (Эшикни қаттиқ душиллаатади).

УСТОД. (Парда орқасидан қаттиқ). Йигитлар, майли, киргизинглар. Эшитайлик-чи, нима гапи бор экан?

(Эшикни очадилар).

КЕЛИН. (Остонадан). Раҳмат, устод.

УСТОД. Гапир тезроқ. Ҳозир бу ерга бошқа миждозлар келади.

КЕЛИН. Мен сизнинг олдингизга катта илтимос билан келдим, устод.

УСТОД. Аввал айт-чи, қайнонанг ўлдими?

КЕЛИН. Қайнонамнинг ўлишига яна икки кун бор, устод.

(Парда орқасидан варақланган дафтар шарпаси эшитилади).

УСТОД. Тўғри. Бизнинг дафтаримизда ёзилишига қараганда ҳам, қайнонанг ўттизинчи числода таппа йиқилиши керак.

КЕЛИН. (Чуқур афсус билан). Мудҳиш кун.

УСТОД. Аксинча, сенинг учун энг саодатли кун. Ахир, сен қайнонангнинг тезроқ ўлишини истайсан-ку!

КЕЛИН. Мен ҳеч қачон қайнонамнинг ўлимини истаган эмасман. Ҳозир ҳам истамайман.

УСТОД. Ахир биз берган дорини қайнонангга бир ойча бурун берган сенмасми?

КЕЛИН. Ҳа, мен бахтиқаро ўша жиноятни сиз айтган вақтда бажарганман.

УСТОД. Бўпти-да. Ўша дори қайнонангни яна икки кундан кейин ўлдирди.

КЕЛИН. Даҳшат... (Ялиниб). Илтижо қиламан, устод, шундай қилингни, қайнонам тирек қолсин. Мен қилган ишимга пушаймонман.

УСТОД. Ажаб, нега сен аввал қайнонангнинг ўлимига рози бўлиб, энди пушаймонсан?

КЕЛИН. Чунки қайнонам билан мен алақачов ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетганмиз, она-боладек бир-биримизга меҳрибонмиз. Энди менга астойдил оналик қилаётган бир пок аёлни ўз қўли билан ўлдирманми? (Ҳўнграб йиғлайди).

УСТОД. Энди йиғлашдан фойда йўқ. Ахир, тушун, энди қайнонангни ўлимдан сақлашнинг ҳеч иложи йўқ.

КЕЛИН. Устод, жонингдан кеч, десангиз, кечай, аммо қайнонамни ўлимдан сақлаб қолинг.

УСТОД. Э, сенинг жонинг кимга керак?

КЕЛИН. (Тугунчани очиб, парда олдига ташлайди). Жоним сизга керак бўлмаса, мана, бутун бисотимни олинг. (Ниқобдорлар бу бойликни кўриб, оғизлари очилиб қолади). Ҳамма тақинчоқларим, топган-тутганим шу ерда. Укамнинг тўйига атаб йиққан пулларим ҳам шу ерда.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, бу гал қалам ҳақи жуда катта.

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, бу бечора аёлга ёрдам чорасини ўйлаб кўриш керак. (Сукунат).

УСТОД. Сен бизни жуда ҳам қийин аҳволга солиб қўйдинг.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, аввал ҳам бир аёл шундай илтимос билан келган эди...

УСТОД. Лекин унга биз берган дори қайнонасини аввалги берилган заҳардан халос этолмаган эди.

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Дорини камроқ берганимиз учун аввалги берилган заҳарни кесолмаган бўлса керак.

КЕЛИН. Ўша-доридан менга кўпроқ беринглар. Мен ойимга ичириб кўрай. Зора, ўлимдан қолса.

УСТОД. Дарҳақиқат, энди ўша дорини қайнонангга ҳам бериб кўришдан бошқа чора йўқ.

КЕЛИН. Тезроқ беринг ўша дорини.

УСТОД. Майли, бераман. Аммо сен бу дорини ишлатиш қоидаларига қаттиқ риоя қилишинг керак.

КЕЛИН. Хўп. Нажот йўлини тезроқ айтинг, устод, бўлмаса мен нақ ёрилиб кетаман.

УСТОД. Шошма, ёриладиган бўлсанг, қайнонанг ўлганидан кейин ёрилаверсан. (Дастур беришга кўчиб). Ма, ол, дорини.

КЕЛИН. Миннатдорман, устод.

УСТОД. Миннатдорчилик билдиришга шошилма. Агар қайнонанг ўлмай қолса...

КЕЛИН. Қайнонам ўлиб кетиши ҳам мумкинми?

УСТОД. Боядан бери мен сенга нима деяпман, ахир! Бу дори бир тажриба, холос.

КЕЛИН. Даҳшат. Даҳшат.

УСТОД. Энди гапларимга қулоқ сол. Қўлингдаги дорини бир челақ қайноқ сувга ташлаб, эришини кутиб турасан.

КЕЛИН. Кутиб тураман.

УСТОД. Кейин шу челақка иккита хантал ташлайсан.

КЕЛИН. Иккита хантал ташлайман.

УСТОД. Қайнонангнинг оёқларини иссиқ сувда яхшилаб совуллаб ювасан.

КЕЛИН. Юваман.

УСТОД. Кейин кампирдан илтимос қиласан, шу челақка оёқларини солиб, ўн беш-ийгирма минут ўтирсин.

КЕЛИН. Солиб ўтиради. Кўндираман.

УСТОД. Кўнмаса, зўрлик қилишдан ҳам тойма.

КЕЛИН. Хўп, устод. Кучим етмаса, эримни ёрдамга чақираман.

УСТОД. Баракалло. Оёқ ваннаси йигирма минутдан ортиб кетса, жуда хавфли.

КЕЛИН. Огоҳлантиришингиз учун раҳмат.

УСТОД. Роса йигирма минутдан кейин онангнинг оёқларини янги, ошпоқ сочиқ билан яхшилаб артасан.

КЕЛИН. Яхшилаб артаман.

УСТОД. Ана ундан кейин, сен берган заҳарнинг қолдиқлари кампирнинг оёқлари орқали вужудидан чиқиб кетишига умид қилиш мумкин.

КЕЛИН. Илоҳо, айтганингиз келсин, устод.

УСТОД. Ҳар ваннадан кейин кампирни ўринга ўтқизасан, ухлатасан.

КЕЛИН. Ухлатаман.

УСТОД. Кампирнинг тагига ҳар гал янги, ошпоқ чойшаб солишни унутма.

КЕЛИН. Унутмайман. (Бирданига шубҳаланиб). Нима учун ҳар гал янги, ошпоқ чойшаб солишим керак?

УСТОД. Чойшаблар шунинг учун янги, ошпоқ бўлиши зарурки, агар аввал берилган дори зўр келиб, кампир ўлиб қолса...

КЕЛИН. Нега мени қўрқитасиз, устод?

УСТОД. Бўлиши мумкин бўлган ишни айтияман-да. Аммо янги дори таъсир этиб, қайнонангни ўлимдан қутқариб қолиши ҳам мумкин.

КЕЛИН. Хайрият!

УСТОД. Эсингда бўлсин, оёқ ваннасида кейин қайнонанг кундузи ҳам, албатта, уйқуга ётиши лозим.

КЕЛИН. Ўзининг ҳам роса соат бирда уйқуга ётиш одати бор. (Шубҳаланиб). Нега энди уни албатта ухлатишим керак?

УСТОД. Қари одамнинг уйқудан турмасдан ўлиб қолиши одамларга табиийроқ кўринади. (Келин сесканиб кетади. Устод яна бир қоғоз узагади). Мана буни ҳам ол. (Келин олади). Бу дорини кампирга оёқ ваннасида бир соат аввал ичирасан. Ванна кунига уч маротаба. Дори ичириш икки марта: эрталаб ва кечқурун. Уқандигми?

КЕЛИН. Яхши, уқдим.

УСТОД. Ана энди топшириқларимизни бажаришга шошил.

КЕЛИН. Беҳад миннатдорман, устод! (Чиқиб кетаётиб, йиғлайди). Бечора укам! Шўринг қуриди. Бисотингдан ажралдинг! Энди тўйинг нима бўлади, тўйинг?! (Хўнграб йиғлаб чиқиб кетади).

(Бундан кейин, то иккинчи мижоз эшикни тақиллатгунча, ниқобдорлар ва устод бошқа, табиий овоз билан гаплашадилар. Бу овоз бизга таниш туюлади).

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, бу мижознинг нима илтимос билан келишини олдиндан айтиб, қаромат қилган экансиз!

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Сиз авлиё экансиз, авлиё, устод!

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, бу аёлга йўл-йўрик беришда бир хатога йўл қўйдингиз, шекилли?..

УСТОД. Мен қандай хатога йўл қўйдим?

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Ҳозирги мижозга дорини оёққа эмас, бошга суртишни тавсия этсан, яхшироқ бўлармиди?

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Тўғри савол.

УСТОД. Агар ўлимдан қутқарилиши лозим бўлган одам ёш бўлса, мен, сизлар айтгандек, ўша дорини бошга суртишни тавсия этган бўлар эдим. Ўлимдан қутқарилиши лозим бўлган аёл қари бўлгани учун, дорини оёққа суртишни тавсия қилдим. Чунки қариянинг энг нозик жойи — оёқ. Хаста оёқдан тузала бошлаши одамларга

табиийроқ кўринади. (Кутадилар. Қўнғироқ чалинади). Икки ниқобдор шошиб бориб, эшикни очадилар. Остонада — Она. Унинг қўлида ҳам худди Келинниқидек шохи тугунча. Ниқобдорлар уни ташқарига чиқариб ташлаб, эшикни дарров ёпадилар).

ОНА. (Ташқаридан илтижо қилади) Очинглар эшикни!

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. (Ўзгарган овоз билан). Овора бўлма! Сени энди бу ерга киргизмаймиз! ОНА. Нега?

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. (Ўзгарган овоз билан). Бу ерга бир марта келган одам, бу томонга йўлни тамом унутуши керак.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Бизнинг қоидамиз шу! ОНА. (Эшикни қаттиқ уриб). Илтижо қиламан, очинглар! Менинг устодга айтадиган муҳим гашим бор!

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Агар жонингдан умидинг бўлса, тезроқ кет бу ердан!

ОНА. Ўлдиранглар ҳам кетмайман! Очинглар, деяпман, очинглар! (Эшикни яна қаттиқ дуппиллатади).

УСТОД. (Ўзгарган овоз билан). Йигитлар, майли, киргизинглар. Эшитайлик-чи, нима гапи бор экан?

(Ниқобдорлар эшикни очадилар. Беҳад хурсанд Она остонадан тантанавор ўтар экан, чироқ ўчади).

ЕТИНЧИ ЭПИЗОД

Иккинчи эпизоддан бизга таниш ҳовли. Ота, Ўғил, Келин ва Қаллиқ муҳим бир воқеани кутаётгандек кайфиятда жим ўтирибдилар. Бир чеккада тушки овқат тайёр дастурхон.

КЕЛИН. Хайриятки, бугун шанба. Ҳаммамиз уйдამиз.

ОТА. (Ўзини астойдил билмасликка солиб). Сиз бугун бизнинг хонадонимизда бирор муҳим воқеа бўлади, деб ўйлайсизми?

КЕЛИН. (Ёлғонлаб). Қайдам?.. Ростини айтсам, мен ўзим оймларнинг ҳолидан хавотирланиб, сизлардан уйда бўлишни илтимос қилдим. Укамни ҳам тушки овқатни бизниқида қилишга чақирдим. Кейин қарасам, бу ишим оймга ҳам маъқул тушди.

ЎГИЛ. (Ўсмоқчилаш оҳангида). Оймнинг ҳоли эрталаб нонушта маҳалида тупша-тузук эди-ку?

КЕЛИН. Нонуштадан кейин бир оз кейинроқ ойм: «Келин, рангимга қаранг, дурустми?» деб сўраб қолдилар. Қарасам, ранглари бир яхши. «Ойжон, нега бундай деяпсиз?» деб сўрадим. Оймлар: «Келин, саволимга дарров жавоб бермадингиз, демак, ранги-рўйим ёмонроқ эканда», дедилар. «Йўқ, ранги-рўйингиз яхши», дедим. Ойм «Нега ёлғон гапирасиз, келин?» деб

аччиқландилар. «Дадангиз эрталаб менга «ранг-рўйингиз алақандай, бирор нарса бўлдими?» деб кўп безовта бўлди-ку?» дедилар ойм. Мен ҳам дадамни ёлғончи қилмаслик ниятида, «Ҳа, бугун юзингиз сўлғинроқ», дедим. Индамадилар. Кейин ойм ўзлари, ҳар кунгидек, мени бошимни ювишга мажбур қилдилар. Кейин, ойм бечора яна ҳар кунгидек, бошимни уқаладилар ва сочимни хушбўй суртма билан ёғладилар. Кейин мен ҳам ҳар кунгидек, оймларнинг оёқларини ювдим, уқаладим, ваннага солдим. Бир вақт қарасам, оймнинг ранглари ўчиб кетяпти. «Сизга нима бўлди?» дедим. «Ўйлаганим сари дадангизнинг сўзлари таъсир қилиб кетяпти, яхшилаб қаранг, рангим қалай?» дедилар. Қарасам, ранглари ҳақиқатан ўчаётгандек. «Нега индамайсиз? Ростини гапиринг!» дедилар ойм. «Рост, рангингиз бошқача», дедим. Ростдан ҳам ранги оқарган эди ойм бечоранинг. Кейин соат роса бирда уйкута ётдилар. (Юраги ваз, жим қолади). Соғ-саломат туриб кетармикинлар ойм? А, дада?

ОТА. Нега туриб кетмасин? Ҳар кунгидек дадил туриб кетади.

КЕЛИН. Илоҳо, айтганингиз келсин. (Сукунатдан кейин). Уйкуга ётаётиб, ойм кўп безовта бўлдилар. «Келинжон, сизнинг рангингиз ҳам бугун алақандай бўлиб турибди, шекили. Ишқилиб, ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?» деб сўрадилар.

ОТА. (Ёлғонлаб). Ростини айтганда, сизнинг рангингизнинг ҳам мазаси йўқ.

ЎГИЛ. (Атайин рад этади). Йўғ-ей, дада. Ваҳима қилманг.

ОТА. (Атайин). Нега ваҳима бўлади, хотинингнинг рангига қара.

ЎГИЛ. (Қараб). Дадам тўғри айтяптилар. Ҳақиқатан ҳам мазангиз йўқроқ кўринади. (Сукунат).

КЕЛИН. (Беихтиёр, самимий). Оймнинг ахволидан хавотирман.

ОТА. (Атайин). Қўрқманг, келин. Ҳар куни туриб кетадиган кампир туради-кетади-да.

КЕЛИН. (Астойдил). Илоҳо, айтганингиз келсин. (Ичкарига кириб қайтиб чиқади). Ойм бир оз безовтароқ ухляяптилар.

ОТА. Тушунарми. Уйкута ётиш олдидан сизнинг ахволингиздан хавотир бўлгани таъсир қилаётган бўлса керак.


(Сукунат. Ҳар ким ўз ўйи билан банд).

КЕЛИН. (Беихтиёр ўзига-ўзи). Ҳа, роса соат иккида масала равшан бўлади.

ОТА. (Ўсмоқчилаб). Қанақа масала равшан бўлади, келин?

КЕЛИН. (Ўзига келиб, хатосини тушуниб, нима дейишини билмай, гангиб қолади). Нима масала дейсизми?

ОТА. (Ўша руҳда). Ҳа, ҳа. Роса соат иккида қанақа масала равшан бўлади?



КЕЛИН. (Шошиб). Ойим ҳеч қачон соат иккидан кейин ухламайдилар. Агар соат иккида ўринларидан туриб кетсалар... (тутилиб қолади).

ОТА. Хўш, хўш?

ЎГИЛ. Агар ойим соат иккида ўринларидан туриб кетсалар, нима равшан бўлади?

КЕЛИН. (Гап топганига севишиб). Дадамнинг бекорга безовта бўлганлари равшан бўлади.

ОТА. Шундоқ денг. (Қиз кўчадан келади).

ҚИЗ. (Одатдагича қаттиқ). Ассалому алайкум.

ҲАММА. (Секин). Ваалайкум ассалом.

ҚИЗ. (Бу ердаги вазиятни ҳамон пайқамай, яна қаттиқ гапиради). Хайриятки, бугун лекциялар эртароқ...

ОТА. Секинроқ.

ЎГИЛ. Жим бўл.

КЕЛИН. Ойим ухлаптилар.

ҚИЗ. (Қаллиқнинг олдига ўтириб, шивирлайди). Келганингиз яхши бўлибди. Мен ўзим олдингизга бормоқчи эдим. (Зўр қувонч билан). Шу кунларда ойимнинг сизга меҳри...

ОТА. Жим, деяпман, қизим.

ЎГИЛ. Жим.

ҚАЛЛИҚ. Айтмасангиз ҳам биламан. Мени ойингиз ўзи чақирган экан. Опам телефон қилган эди, дарров етиб келдим.

(Қиз бу ердаги вазиятга энди эътибор қилиб, ажабланади).

ҚИЗ. Нима бало, бугун бизниқанда бирор муҳим воқеа бўладиганми?

ҚАЛЛИҚ. (Биладиган одамдек, қатъий). Бўлади.

ҚИЗ. Қанақа воқеа?

ҚАЛЛИҚ. (Тўғри жавобдан қочиб). Ойингиз ҳам, опам ҳам муносабатлари яхшиланганининг бир ойлигини нишонламоқчи бўлсалар керак.

(Соат иккига занг уради. Келин ҳаяжонда. Бошқалар шубҳали сукунат сақлайдилар. Келин ичкарига қулоқ солади. Ичкаридан ҳеч қандай шарпа эшитилмайди).

КЕЛИН. (Ваҳимага туша бошлайди). Ойим уйғонмайдилар, шекили:

ОТА. Шунақага ўхшаб қолди.

КЕЛИН. (Қаттиқ ҳаяжонда). Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

ОТА. Нега мумкин эмас?

КЕЛИН. (Ўғилга). Сиз қаранг-чи, эҳтимол ойим уйғонгандилару ўринда дам олаётгандилар?

ЎГИЛ. (Остонада туриб, ичкарига қарайди).

Ойим донг қотиб ухлаб ётибдилар.

КЕЛИН. Бечора, менинг бошимни уқалайман, деб чарчаб қолганлар-да. Ҳечқиси йўқ, яна бир оздан сўнг уйғонадилар.

ОТА. Биз ўзимиз овқатга ўтираверайлик, келинжон.

КЕЛИН. (Ғазабда). Ойимсиз-а? Сизга нима бўлди, дада?

(Кутадилар).

КЕЛИН. (Қизга). Синглим, қаранг-чи, ойим

уйғонган бўлсалар керак.

ҚИЗ. (Остонадан). Ойим қотиб ухлаб ётибдилар.

ОТА. (Остонага бориб, ичкарига назар ташлайди). Ҳа, қотиб ухлаб ётибди. Нафаси ҳам сезилмайди. Худди ўлиқдек.

КЕЛИН. Нега нафасингизни совуқ қиласиз, дада?

ОТА. Ишонмасангиз, ўзингиз қаранг, келинжон.

КЕЛИН. (Кўрқа-кўрқа остонага боради, ичкарига анча тикилиб туради. Бирданига бутун маҳаллага жар солиб, бақириб йиғлайди). Войдо, онагинамдан айрилиб қолдим! Меҳрибонимдан айрилиб қолдим! Жонажонимдан айрилиб қолдим! (Ҳамма саросимада ичкарига отилар экан, остонада Она пайдо бўлади).

ОНА. Нима гап? Нима раво, келин?

КЕЛИН. (Кўзларига ишонмай). Тирикмисиз, ойижон, тирикмисиз?

ОНА. Нега тирик бўлмай? Тирикман. Мана. (Келин қаттиқ ҳаяжонда бир зум Онага тикилиб тургандан кейин, хушидан кетади. Ўғил ва Қаллиқ уни ушлаб қоладилар).

ЎГИЛ. (Хотининг юрагига қулоқ солиб). Юраги уришдан тўхтади. (Атайин бақиради). Сиз менинг хотинимни ахири ўлдирдингиз, ойи! (Йиғлайди).

ОНА. (Ҳамон қимирламай ётган Келинга тикилиб, ваҳимага тушади ва бутун маҳаллага астойдил йиғи чиқаради). Войдо, келиним ўлиб қолди! Болажонимдан айрилдим, дод!

ҚИЗ. Тўхтанг, ойижон. Йиғламанг. Келинойим хушларига келдилар.

ОНА. (Келиннинг рўпарасига келиб). Мен тирикман, дедим-ку, келинжон, тирикман.

КЕЛИН. Мен ҳам тирикман, ойижон. Мен ҳам. (Иккаласи бир-бирларининг кучоғига отилишиб, бахтиёр йиғлашади).

ҚИЗ. Бу уйда нима бўляпти, дадажон?

ОТА. Сабр қил, кейин айтаман. (Тантанавор). Фармон бераман: бугундан бошлаб ҳар икки хонадонда тўйга тайёргарлик жадаллаштирилсин.

ОНА. Шошманг, дадаси. Қайси пулингизга тўй қиласиз?

ОТА. Қайси пулга бўлар эди? Неча йиллардан бери қизингизга атаб йиққан бисотингизга-да!

ОНА. Менинг бисотим йўқ.

ОТА. Нега бисотингиз йўқ бўлади?

ОНА. Менинг бисотим... бисотим ўғирланган.

ҲАММА. Йўғ-ейи!

ОНА. Рост. Мен сизни ранжитмай деб, индамай юрүвдим.

ОТА. (Кулиб). Хўп, фараз қилайлик, сизнинг бисотингиз ўғирланган. Мана, келиннингизнинг уқаси учун жамғариб қўйган бисоти ҳам, агар адашмасам, бир тўйга етиб ортади.

КЕЛИН. Менинг бисотим ҳам ўғирланган.

ОТА. Шунча йиллардан бери битта игна йўқолмаган хонадонда бир эмас, икки бисотнинг

Ўғирланишига ким ишонади? Ўғлим, бор, сен хотиннингнинг бисотини олиб чик.

ЎҒИЛ. Хотиним бисотини қаерга яширганини билмайман.

ОНА. Нега?

ОТА. Нега билмайсан?

ЎҒИЛ. (Атайин бўҳтон қилади). Эркак кишининг қўлига катта пул тушса, ўйнаш орттирар эмиш, топган-тутганин ўйнашига сарфлармиш. Келинингиз шундай деб, мендан бисотини бекитиб юради.

КЕЛИН. (Хуноб). Нега ёлғонлайсиз? Нега бўҳтон қиласиз?

ОТА. (Онага). Сизнинг бисотингиз қаерга йўқолганини ҳам ана энди биддим!

ОНА. Жим бўлинг, жим! Иккалангиз ҳам жинни бўлганмисиз, нима бало?

ҚАЛЛИҚ. Ҳа, ойижон. Булар ҳам «муңдоқроқ» бўлиб қолганга ўхшаяпти.

ОТА. Биз «муңдоқроқ» бўлиб қолган бўлсак, қани, сизлар айтинглар-чи, (Она ва Келинга) бисот қани, бисот?

ОТА. (Келинга). Қани, эрингиздан яшириб қўйган ерингизни бир қаранг-чи, бисотингиз турмаганмикин?

КЕЛИН. Турган бўлса, мўъжиза бўлар эди.

ОТА. Боринг, қаранг. Бу хонадонда яна бир мўъжиза рўй берса, не ажаб!

ЎҒИЛ. Дадам қаранг, дегандан кейин, қаранг энди!

КЕЛИН. Майли, қарасам, қарай. Лекин...

ЎҒИЛ. («Сен»лашга кўчиб). Лекин-пекинингни қўй, хотин. Қани бисотингни дарров топма-чи... (Пичоқ яланғочлаб, хотинига атайин таҳдид қилади).

КЕЛИН. (Югуриб ичкарига кириб кетади ва бир зумда у ёқдан бақиради). Вой! Турибди! Бисотимиз турибди! (Остонада бизга маълум тугунчани намойиш этади). Мана, менинг бисотим!

ОТА. (Таҳдид билан Онага). Қани, сен ҳам қара-чи? Агар бисот жойида бўлмаса...

ОНА. Вой ўлай! (Ўқдек отилиб кириб кетади, остонада дарров тугунча билан пайдо бўлади). Мана, دادаси! Мана!

ОТА. (Пўлисани давом эттириб). Хотинлардан ҳар нарсани кутса бўлади! (Ўғил билан Қаллиқни бир чеккага тортиб, шивирлайди). Программамиз юз фоиз амалга ошди. Сизларни чин кўнгилдан табриклайман, ниқобдор мададкорларим!

ЎҒИЛ. Галабангиз билан кутлаймиз, Устод!

ҚАЛЛИҚ. Доно Устоддан беҳад миннатдоримиз!

ЎҒИЛ. (Завқ билан). Дадажон, ана энди биз бу тажрибадан фойдаланиб, кўп оилаларни тинчитишимиз мумкин.

ОТА. Биринчи навбатда, Норбоевлар оиласини тинчитиш керак.

ОНА. Ҳой, нималарни шивирлашяпсизлар?

(Ота, Ўғил ва Қаллиқ кулишадилар).

ҚИЗ. Дадажон, нималар бўляпти ўзи, айтинг энди!

ОТА. Кейин айтаман... Йўқ, ҳеч қачон айтмайман! Ҳеч қачон!

ҚИЗ. Нега айтмайсиз? Нега?

ОТА. Бу – оилавий сир.

ОНА. (Устод ва ниқобдорлар «иши»нинг маъносига тушуниб, кулади). Ҳа, энди ёпиқ қозоннинг ёпиқ қолгани яхши!

КЕЛИН. (У ҳам «иш»нинг маъносига тушуниб, кулади. Қизга). Синглим, сиз энди узумини энгу боғини суриштирманг!

(Энди ҳамма кулади. Фақат Қиз хайрон).

ОТА. (Қаллиқ ва Қизга). Ҳа, тўйларингга шайлана беринглар энди, жигарбандларим!

ҚАЛЛИҚ. Дадажон, шу гапингиз айтилган лаҳзани суратга олиб қўяй.

ОТА. Дарров ол, ўғлим!

ҚАЛЛИҚ. Қани, бундай туринглар-чи. (Композиция туза бошлайди. Ота билан Ўғилни иккинчи қаторга тик турғизиб, уларнинг орасига Келинни жойлаш-тиради. Онани ўтирғизади ва унинг ўнг ёнидаги жойни бўш қолдириб, чап томондан Қизга жой кўрсатади. Ўзи аппарат олдига кетади. Аппаратни тўғрилаб, Онанинг ўнг томонидаги бўш қолган жойга ўтиради).

ОТА. Йўқ, бундай эмас. (Қатордан чиқиб, композицияга ўзгартириш қиритади). Куёв, сен бу ёққа ўтир. (Қаллиқни онанинг олдига, ерга ўтирғизади). Келин, сиз бу ёққа келинг. (Келинни Қаллиқдан бўшаган жойга, Онанинг ўнг томонига ўтирғизади. Қиз қимирлайди. Қизга). Йўқ, сен жойингда ўтиравер. (Янги композицияни кўздан кечиради. Ўз ишидан мамнун). Мана буниси тўғрроқ бўлади. (Ўзи Ўғил ёнидаги жойга қайтади. Она бир қўлини Келиннинг, иккинчисини Қизнинг елкасига ташлайди ва бахтиёр илжаюди).

ҚАЛЛИҚ. Ҳозир дунёда яратилган оилавий портретларнинг энг гўзали бунёдга келади. Бунисига мен қафил. (Аппаратнинг шарпасига кулоқ солиб, тантанавор). Дижқат!

Магний портлайди ва аппарат шириклайди. Сукунат. Энди бизнинг кўз олдимизда тирик кишилар эмас, балки уларнинг сурати турибди. Бу, ҳақиқатан аъло оилавий портрет. Бирданига «Тўйлар муборак» қўшиғи сукунатни портлатади ва тўхтовсиз давом этади. Қўшиққа тўйда келин ва куёв шаънига чалинадиган гулдуррос оққишлар уланиб кетади. Ундан кейин келин дугоналарининг «Ёр-ёр» ашуласи баралла янграйди.

Шамом

ОСМОН

Осмон! Фақир кўнглимдек бўм-бўш,
Кўзимдек куп-куруқ рўйи ҳам,
На қора, на-да кўк нотаниш.

Осмон! Бешафқат шамоллар айбидан,
Бир оғир суқутда — боши ҳам,
Кўнгили ҳорди чархнинг гулг сайридан.

Осмон! Кулишга ҳам ҳоли йўқ,
Дунёнинг тим қора тошидан.
Ийғлашга жой излар ҳоли йўқ.

Кел осмон! Шодликка тўламиз,
Сен ярим, мен ярим гулдурак
Иккимиз бир бутун бўламиз.

Мен булут бўламан бағрингда,
Кўкрангим, ё қора фарқи кам,
Мен севингдан қолган сағрингман!

Акматаш ТОШЕВ

* * *

Бола ҳаёлида чизар манзара,
Юксак кашфиётлар дебочаси бу.
Ҷаҳжи озуларни қилманг масхара
Порлоқ келажакни кўзламоқда у.

О, митти юракча гулдек бокира,
Ранжитманг, қирмасин пок қалбига кир.
Кичик ташаббусин бўғмайлик сира,
От босмаган жойни той боссин ахир.

Шаҳноза НАЗАРОВА

ОРЗУ

Кўзимни ёшлайди соғинч, онажон,
Мен ўзимни ўзим соғиниб кетдим.
Мен йўқолиб қолдим кучганда армон,
Дилда қолган сўзим соғиниб кетдим.

Қапалак улушга жоним тиккайман,
Қуёш нурларидан ясайман чилтор.
Бир кун қалбимга туғлар эккайман,
Ўзимни ўзимда кўролсам бир бор!

ТАҚДЫР

Элни қадрламоқ, ўзни сийламоқ,
Гулни қадрламоқ, дилни қийнамоқ.
Сиз мени кечиринг, умрим борича
Менга тақдир экан Сизни уйламоқ.

Ҳасратга чўлгонган замон келдим,
Шу гулгун боғларга ҳазон келдим?
Чок-чокидан сўкиб қўйганингиз жон
Ҳижроннинг жангидан омон келдим?

Юракда пишқирган қизил тўлқинлар,
Югуриб толмаган ҳазин тўлқинлар.
Вужуд уммонидан сизни қидириб,
Кетарлар, сўрамас изн тўлқинлар.

Қисматим қон билан қоғоз сийламоқ,
Дилимни айирмоқ эмас, бойламоқ.
Сиз мени кечиринг, умрим борича
Менга тақдир экан сизни уйламоқ.

Назира БОЙМУРОДОВА

ФАҲР

Менинг ўз овозим бор,
Қўлда олтин созим бор.
Ўз тилим, ўз Ватаним,
Ҳам баҳрору ёзим бор.

Ўзага қилмам тақлид,
Ўз тошу тарозим бор.
Ўз эрким, ўз гурурим,
Халқимга эъвозим бор.

Ватан ишқида ёнган
Шу кичик юрагим бор.
Шу Ватанга, шу юртга
Менинг ҳам керагим бор.

Момоларим сўйлаган
Мўъжиза — эртагим бор.
Юрагимда ниш урган
Шеър отлиғи қуртагим бор.

Осмонимнинг бағрида
Ҳеч сўнмас қуёшим бор.
Юртга истиқлол берган
Мардона Юртбошим бор.

* * *

Ҳаёнинг чўғ дудоғларида,
 Ҳаяжоннинг титроқларида,
 Юракнинг туб қийноқларида,
 Бир сўз ётар сенга аталган.

Тилакларнинг адоқларида,
 Муҳаббатнинг сўроқларида,
 Туйғуларнинг мудроқларида,
 Бир сўз ётар менга аталган.

Абдулмалик ИСОМИДДИН

АЙРҲАЛҚ

...Хазонли куз. Сарик япроқлар...
 Ишқ ниҳоли бу кун хазондир.
 Кечаги ул кўёшдай қадр
 Хазонлардан жуда арзондир.
 Бир нуқтага жамланди олам,
 Қизиқ нима қолди жаҳонда?
 Бошлар эгик, кўзларимиз нам,
 Бизлар кетдик икки томонга.
 Қалбимда ишқ жанозасидир,
 Оппоқ рангим унгадир кафан.
 Юрагингни билмам ўзга бир
 Қай севгига йўрғак этдинг сан?..

«Бахтли бўл!»
 Шу сўзга қолди кун,
 Сенга боқиб сўнгги бор аранг.
 Сумкачангни титдинг...
 «Сизга мен...
 Таклифнома қолмапти...
 Боринг...»
 Яна дилини ўртамоқ нечун,
 Хотиротта берилмайлик, қўй.
 Эртага — бир фақат мен учун
 Таклифнома етмай қолган тўй...

АВТОБУСДА

Йўқ, унчалар дунё тор эмас,
 Қўзингиздан мен шуни сегадим.
 Бир шаҳар қиз Сизга арзимас,
 Ҳайратимнинг деворин буздим.


Сочларингиз толаларидай
 Ўйлар мени қилади бетоб.
 Юрагимнинг лолаларидай
 Қўлингизда қип-қизил китоб.

Қўйингизда қип-қизил китоб...
 Менинг ёниб кеттим келяпти.
 Автобуслар боролмас жойга
 Сизни олиб кеттим келяпти.

Яқинмизу... орамингиз узоқ,
 Ҳаяжоннинг кўксини тилдим.
 Нетай Сизни кўрмасдан олдин
 Бу ҳисларга бегона эдим.

Етиб келди менинг бекатим,
 Сиз-чи, қайга, қаён кетасиз?
 Бармоқлари... йўқ, мени эмас,
 Думбадзени эркалатган қиз...

Қўлингизда қип-қизил китоб,
 Менда эса ярадор орзу...
 Гўзал қизнинг бўлгани азоб,
 Абадият қонуни ҳам шу!



Афсоналар ва ривоятлар халқ оғзаки ижодининг теран фалсафа ва маъномазмунга эга бўлган улкан бойлигидир. Ёзувчи Чингиз Айтматов: «Хотираси бўлмаган, тарихи бўлмаган, кўхна асогираар, афсоналарда акс этган маънавий биографияси бўлмаган одам руҳан қашшоқликка маҳкум ва бундай одам мураккаб замонамиз ҳаётини англашга ожиздир», деган эди. Горький эса, халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсирини таъкидлар экан Геродот, Гёте, Жанлис, Бальзак, Жорж Санд, Доде, Коппе, Анатолий Франс, Андерсен, Диккенс сингари кўплаб ёзувчиларнинг халқ эртакларига таяниб машҳур асарлар яратганлигини қайд этади. Жеймс Жойс «Уиллис» романини юнон ёзувчиси Гомернинг «Илиада» дostonи таъсирида яратган. Қизиги шундаки, фольклор намуналари ҳеч қачон ёлғиз миллат ёзувчиси ёки шоири учун пойдевор бўлиб хизмат қилмайди. Соддароқ қилиб айтганда, бир миллат ёзувчиси умуман бошқа халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, синтез қилиб, мукамал асарлар яратишга ҳақли.

Шоир Омон Матжон «Ҳаққуш қичқириғи» дostonида юнон мифологик қахрамони Прометей образига янгича таъкин беради. Юнон афсоналарига кўра Прометей Олимп тоғидаги маъбудлардан оловни ўғирлаб олиб келиб, одамларга ундан фойдаланишни ўргатади. Ҳазибланган маъбудлар Прометейни Олимп тоғига



АФСОНАЛАР ЖОЗИБАСИ

занжирбанд қилишади. Унинг кўксини темир тумшуқли қуш чўкилаб туради. Жараён ҳар куни такрорланаверади. Бу яна бир юнон афсонасидаги Сизифнинг харсангтошни қайта-қайта тоққа олиб чиқишига ўхшайди. Такрорлардаги рамзийлик ҳаётнинг ва азоб-уқубатларнинг давомийлигини англатади.

Омон Матжон қадимий мифологик Прометей образига қайта мурожаат қилар экан, қахрамонга шундай таъриф беради:

Сизга айтсам — оғдуй

*бир жон у,
Мажнун каби фидойи
ошиқ,
Насриддиндек хушдил бир
суймо —
Эл умрига туташик!*

Демак, шоир Прометей образини Шарқ адабиётидаги Мажнун, Насриддин афанди образларига қиёслайди.

Дostonда оловга кўп маъно юкланган. Бинобарин, шоир наздида олов меҳр, ишқ, дўстлик ва қут-баракотнинг рамзий тимсолидир.

Шунингдек, Омон Матжон дostonдаги қирқта афсона ва ривоятларнинг аксария-

тида Хоразмнинг тарихи, бошқа вилоятлардан ажралиб турувчи миллий қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, буюк тарихий шахслари ҳақида ҳам ёзади. Жумладан, Маҳмуд Ғазнавий, Оллоқулихон, Феруз II ҳақидаги халқ орасида афсона бўлган ҳикояларни назм йўлида баён этади. Яна буюк тарихий шахслар Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Комил Хоразмий номларини қаламга олади.

Маълумки, халқ эртаклари, одатда, анъанавий «Бир бор экан, бир йўқ экан...» сатрлари билан бошланади. Худди шу экспозицияни биз Омон Матжон афсоналарида ҳам кузатамиз. Шоир «Камалак афсонаси»да ўқ-ёйнинг етти хил нафис, гўзал ранглари билан киши завқини келтирувчи табиат мўъжизаси — камалакка айланиб қолишини жудаям чиройли бадий тўқимага асосланган воқеа билан ҳикоя қилади. Қунардан бир куни, сой бўйида Ҳасан-Ҳусан эгизаклар ўйнаб юришганида, оппоқ отда чавандоз келади. Чанқоғини босиш учун сув келтириб берганлари эвазига, у болаларга ўқ-ёй ясаб беради. Бироқ ўша пайтда чавандоз совуқ қуролларнинг тириклик ҳаётига салбий таъсири ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ака-укалар шу даражага етишадикки, ҳатто бир-бирларини мўлжаллаб ўқ-ёй отишади. Шундай кунларнинг бирида ўша чавандоз яна пайдо бўлади. Аввалгидек, яна йигитлардан сув сўраганида, улар

бир-бирларига «сен бор, мен бор» қилишади. Отлиқ қинидан ханжар чиқариб, агар ким сув олиб келса, ханжарни тортиқ қилишини, унга қадар ўқ-ёйларини унга қолдириб кетишларини айтганидан сўнггина, йигитлар талашиб-тортишиб чопишади. Чавандоз ўз хатосини тўғри-лаш мақсадида ўқ-ёйни сойга оқизиб юборади ва ўзи ҳам ғойиб бўлади. Ҳасан-Ҳусанлар қайтиб келишганида чавандоздан ҳам, ўқ-ёйдан ҳам асар йўқ. Улар сойдан сўрашади. Сой уларнинг қуролларини ўз бағрига олганлигини, йигитларнинг ўқ-ёйдан «Ҳасан-Ҳусан» камалак ясаганлигини айтади.

Шу ўринда шоир халқ орасидаги камалак ҳақидаги қарашлар, хусусан, аёлларнинг камалакка қараб, сочларини тараб, эгизак фарзанд сўраши, деҳқонларнинг тўкин-сочинлик бўлишини тиллаши сингари эътиқодларни эслаб, рамзий маъноларини изоҳлаб ўтади.

Хоразмда ўзга вилоятлардан фарқи равишда қадимда қизил гул сайли ўтказилган. Шу куни ёш йигит-қизлар ўзларига ёр танлашган. Худди шу халқ маросими дostonнинг «Ёр танлаш» афсонасида ҳикоя қилинади.

«Ҳаққуш қичқирғи» дostonи қирқта афсона асосига қурилган тамомила янгича лиро-эпик асар намунаси дир. Шоирнинг ўзи ҳам дostonнинг «Нега қирқ?» деб номланган муқаддима ўрнида берилган қисмида қирқ рақамининг халқ ижодиётидаги фалса-

фий-рамзий маънолари хусусида «Қирқ» деган сўзда ноаниқ, мавҳум бир ҳикматни илғамаетир-сизми?.. Яна қирқ! Нима гап ўзи?! Қирқ қандайдир силсилага, қонуниятга ай-ланиб қолмаяптими?! Ё тасодифми?» деб ўтади. Агар асар чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, ҳар бир рақам остида берилган афсоналар хусусида атроф-лича фалсафий фикрларни ҳаёдан кечириб мумкин. Шоир 39 та афсонани ҳикоя қилади-да, қутилмаган бир тарзда, қирқинчи афсонага келганда «Хотима ўрнида» китобхонга мурожаат билан дostonни якунлайди. Бизнингча, дoston ечимининг бу тахлитда тугаллашиши китобхонни «қирқ кеча-кундуз йўл юриб манзилага етиш», «саройдаги безатилган қирқинчи уй қандайдир сирли оламга бошлаши» каби халқ ижодиётидаги қирқ рақами билан боғлиқ эътиқодлар моҳиятига яқинлаштиради. Шоир таъкидлаганидек, қирқинчи афсона китобхоннинг ўзига ҳавола. Муҳими, китобхон «Ҳаққуш қичқирғи» дostonидаги ҳаёт, инсон, табиат хусусидаги 39 та афсонани мутолаа қилиб, дostonда битилмаган қирқинчи афсонада улар ҳақида ўз мулоҳаза ва хулосаларини тафаккур чигиринидан бирма-бир ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Дилназов ХОЛИҚОВА,
ЎзРФА Алишер Навоий
номидаги Тил ва адабиёт
институтининг аспиранти

Хали ким олгани чиқади...

Онанинг гапи чала қолди.

— Нима чиқади! Қачон чиқади?.. — у қўлини паҳса қилиб бақирди. — Аниқ биламан, пулни сен билан ўзингдан бошқа ит ҳам олгани йўқ...

Орзугул момо ўзели юзига худди мушт тушириб қоладигандек чўчиб, орқага тисланди. Қўрқанидан даг-даг қалтириб, йиглаб юборди...

— Тўхта, Асат! Тинчликми?

Она-бола ортига ўгирилишиб йўлакдан уларга қараб тез-тез юриб келаётган Раҳматжонни кўришди. Онаизор нима бўлса ҳам тўнғич фарзандига можорони вазминлик билан тушунтирмоқчи бўлди-ю, бироқ кенжтойининг ҳақоратларидан ўзини тутолмай, йиглаб юборди. Балки, шундай ноқобил ва баднафс ўйинли дунёга келтирганидан, дунё хирси кўзини кўр қилиб қўйган кимсанинг давдагалари ҳар қандай меъёр ва чегарани синдириб, қўпориб, бузиб ташлаганидан бўлса керак, онаизор йилларнинг армони эрта оқартириб, тўзғитган

турган укаси ўз онасини уриш учун гувалядек муштга айланган билагидан тутиб қолиб, боши билан қўқрағини қандай қалла турганини сезмай қолди. Қўғшини уялтирган бу воқеа кўз очиб юмгунча вақтда, айти чошгозда рўй берди.

Асатилла зарбага дош берамай, гандирақлаб, елкаси билан тўнтариллиб тушди. У тирсагига таяниб, ўмгани билан ўрнидан туршига уринаётган пайтда, укасининг ҳар қандай риштани чил-чил узиб ташлаганидан, эркак кишига хос бўлмаган шаллақилигидан аччиқланиб, ярим букчайиб турган инисининг юзига тарсаки сермади. Бу зарба мўлжалга бормасдан Асатилланинг бурнига теғди. Ҳеч нарса ни ўйламай, хўлу қуруққа баробар ўт қўйишга тайёр турган ука учун худди ана шу зарба керак эди.

У бурнидан оқаётган қонни қўли билан юз-кўзига, бутун башарасига сурқади. Сўнг орқага тисланиб, ўжирганича қўйлагини йиртиб, икки пора қилди-да, эридан калтак еган шаллақиларга ўхшаб, «доғ, мени акам билан онам уряпти, қутқаринглар», дея аюҳаннос солиб машинага ўзини урди.

ОНАИЗОР

сочларини юлиб нола чекди. «Эй, Худо, наҳотки, ўз туққан болам, жигарпорам келиб-келиб, эримгадан пулни деб ўз муштипарини оёғости қилса? Унга қўл кўтарса? Бу не кўргулик? Шунини туққанымча итни туғсам бўлмасмиди?»

Орзугул момонинг гапи ниҳоясига етмади. Аламидан қўлларига қон қуйилган ўйиннинг оғзидан замбаракнинг ўқидек бешафқат сўзлар отилиб чиқди ва портаб, манфур, ноҳақ ҳақорат онаизор вужудини тилка-пора қилиб ташлади:

— ...ит билан ётганинда, итвачча тувардинг-да.

Бу сўзлар онаизорнинг жисми жаҳонига ўт қўйди. Орзугул момо бегонаданда юз қарра бегоналашган, афти-анғоридан қони қочиб, қутуриб турган Асатилланинг юзига қандай қилиб тарсаки тортиб юборганини билмай қолди. Муштумданда катттароқ бир нарса томоғига қадалиб қолгандек туюлиб, кўз ўрни қоронғулашиб, қулоқлари «чип» битди-да, худди ток ургандек, зириллаб, жижираётган бошини томирлари бўртиб чиққан қўллари билан чангаллаб, секингина ерга қулади. Бу пайтда Раҳматжон хусиригандек оёғариб

Калтабин укани инсофга чақириб мақсадида Раҳматжон қулочини кенг ёйиб «07»нинг йўлини тўсди. Бундан Асатилланинг баттар жаҳли чиқди.

— Қоч, йўлимдан қоч! — деди у газабидан кўқариб. — Яхшиликча йўлдан қоч, йўқса босиб кетаман!

У варанглаптиб, худди моторни ёриб юборгудек даражада газни босар, машина газини ҳар ниқтаганида шовқин пасаитиргичдан худди пекчанинг мўрисидек қорайиб тутун чиқарди.

— Калитни чўз буюққа! — деди Раҳматжон вазмин бўлишга уриниб. — Ўзим минмай «укамнинг қўнгли ўқимасин», деб сен кўрнамакка машина олиб берган мен азмोक! Ўз онасини, ота ўрнида бўлган акасининг яхшиликларини ўйламасдан, йиғирма минг сўмга тенг қилмаган уканинг энди менга кераги йўқ!.. Машинадан туши, калитни бер-да, тўрт томонинг қибла, кетавер.

— Нима, нима? — Асатилла кўзларини косасидан чиққудек қилиб, масхаралаб, икки қўли билан рулга шаппатилаб, лабларини чўчқайтирди. — Бекорларнинг бештасини айтибсан! Машина менинг номимда! Демак, у меники, тушундингми?!

Қўлингдан келса, судга бер, мендан тортиб ол!..

Йўлакда қўшилар кўпайишди. Икки ака-укиннинг «сан-ман»га бораётганидан ҳайратланиб турган қўшиларнинг ўзаро пичир-пичир қилаётганини кўрган онаизор болаларининг қўшиларга эрмак бўлишаётганидан изза бўлиб, каттақонига ёлвора бошлади. «Кел, қўй болам, шу тентак билан тенг бўлма. Ҳали омон бўлсанг зўрларидан оласан. Ўзим пенса пулимга олиб бераман... Бунинг йўлини энди тўйма! Қўёққа борса, шу ёққа кетсин! Машинасини олиб кетсин...»

Онаизорнинг гапи Раҳматжонни шаштидан қайтарди. «Тўри-да, нима қиламан нодон билан тенг бўлиб, йўлади у. Ойисининг кўз ёшларини қафти билан сиқибди артаркан, рўдан эзилиб:

— Онажон, биламан, сиз унинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмайсиз... агар ёнимда пулим бўлганда ҳозирнинг ўзида оғзига пул билан урадим. Тўйчилик... Барча маблағимни тўйга харжладим. Юз минг сўмча пул қолган экан, артистларга «закалад» бериб келаётувдим. Билганимда... — у бироз йўланиб турди-да, бармоқларини бир-бир босиб, ўзича ниманидир хомчўт қилди.

— Ошина-оғайинлар ҳам қараб туришмас... Пул тушган заҳоти Асатиллага йиғирма минг сўмини санаб бераман...

* * *

Орзугул момо, яхшиси, буларни эсламас бўларкан. Онаизорнинг кўнгида оғриқ турди. Юрагини чангаллаб, зўрга ўрнидан турди-да, эрталаб тўнчи келини янгилаб кетган тўйгазига судралиб бориб, секин чўзилди. Юмуқ кўзларини жон-жаҳди билан сиқар экан, ўпкасининг тагидан кўчаётган баҳайбат кўчки, гўёки, онаизорнинг кўкрак қафасларидан тикланган тўғонни яқсон қилиб, синдириб, йўлида дуч келган нарсени юмалатиб келаётган муз чўққилари каби шиддатланиб, ҳавова истаб юқорига ўрлади. Лекин онаизор бор овози билан ўкраб юбормаслик учун тишини тишига босди. Тош бўлди. Балки бор овози билан бақириб йиғлаганида кўнги сал юмшармиди?

Фарзанди тарбиясида хатога йўл қўйганидан афсусланиб, уни деб қай кўнларга тушганини, кимларнинг эшигида мунгайганини эслади.

* * *

Турмуш ўртоғи автохалокатда қаё қилгач, бор меҳр-эътиборини эрдан ёдгор бўлиб ўсаётган Раҳматжон билан Асатжонга қаратди. Раҳматжон болалигидан босиқ ва мулоҳазали бўлиб ўсди. Укати Асатжон эса шўх қилиқлари билан ойисига ятақланиб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб ўлғайди. Орзугул кичкинасини деб яқин қўшиларни билан аразлашар, ўғлидан нолиган

кишини кўрса энсаси қотарди. Бирок... Асатжон ақлини танимасданоқ кўп галваларга сабаб бўлиб, онасини ярак ўйноғига гириқтор қилди. «...Болангиз дарахтдан тушиб кетибди», деган нохуш хабарни эшитиб, ҳушидан айрилганида Орзугул эндигина ўттиз ёшга кирганди. Маълул бўлишича, беш ёшли Асатжон кичкина қўл аррача билан қўшинининг дарахтига чиққан ва ўзи ўтирган айрини арралай бошлаган. Бир оядан сўнг шох эгилиб, болақай арраси билан ерга учиб тушган. «Фалокат оёқ остида», деганлари шу бўлса керак, гурсиллаб қулаган бола чўнқир тошининг устига тушиб 5, 6-қобиргаи ҳамда умуртқа поғонасининг юқори қисми қаттиқ шикастланиди...

Уч йил давом этган узлуқли даволанишлар, кетма-кет ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан сўнг Асат яхши бўлиб кетди. Шундан сўнг Орзугул ва қариндошлари Асатжоннинг исмига «тилла» сўзини қўшиб айтадиган бўлишди.

Шўро замонида ҳам камбағаллар йўқ эмасди. Боласи билан овора бўлиб қолган Орзугул чорасизликдан уйини сотди. Ўзи болалари билан қариндошлариникига кўчиб, уларнинг қовоғига қараб яшай бошлади.

Ёз кўнларининг бирида Асатилла тоғасининг қизига ҳам «шумлигидан» нишона берди. (Бу пайтда Орзугул икки фарзанди билан тоғасининг уйида сочи супури бўлиб юрган кезлари эди). Тоғаси шувис ҳам эзилиб юрган жиянини яб «лож-ми» демаса-да, аёлининг тағнали гапларидан эти увишиб турган Орзугул унинг кейинги гапига мутлақо тоқат қилолмади.

«Ёмондан худо ҳам безор. Дупла-дуруст, бинийдек одамлар сал нарсага ўлиб кетяпти. Сен — худобехабар, шунча оғир фалокатлардан ўлмай қолдинг. Ўлиб кетганинда онанг ҳам бунча қуймасди...» деганди ўшанда янғаси бўғилиб.


Боласига бўлган совуқ муносабатларга чидай олмаган Орзугул шу кўннинг кечида лаш-лушларини йиғиштириб, харобазордан унча фарқи бўлмаган, электр чироқлари ўрнатилмаган қолхоннинг дала ишйопонига кўчиб чиқди. Қишлоқдан анча нарида, пахта майдонидаги яшаш учун деярли шароит бўлмаган бинода икки боласини баърига босиб уч йил яшади. Қиш чилласида бўйрилиқ деб кетишдан ҳавфсиреган маҳаллодошлари азбаройи ачинганларидан ҳашар йўли билан хом гиштдан икки хона ва дахлизли уй қуриб беришди.

* * *

Орзугул момо кўзларини юмди. Оқ чекар экан, чучуқ нафас олиб пичирлади:

— Бу ярамаснинг пулини ким олди экан-а? Пули йўқолгани рости бўлса керак-ки, дағдағ қиляпти...

Онаизор гижимлаб сизаётган юридан безовта-



ланиб, «уҳ» тортаркан, миясининг қай бир томири қаттиқ, лўқиллаб оғриқ берди. «Бу ҳақда ўйламаслигим керак эди-я, нега яна шуни ўйлаб, кўнглимни овертидим-а? Ишқилиб, отасининг арвоҳи қарғамангдан бўлсин-да».

Орзуғул момонинг лаблари пириллади, кўлини кўкси олдига дуога бирлаштиргандек тутаркан, яна кўз ёшлари қуюлиб оқди.

«...Дадажониси, — дея ҳаёлан раҳматли эрига мурожаат қилгандек пичирлади у. — Болангизни, кичкинасини кўнглингиздагидек тарбия қилолмадим, ишқили. Айтганини доим муҳайё қилиб келдим, шундай бўлса-да, бу жула тошбағир чиқди... Арвоҳлар барҳайт, ҳар жойда ҳозир нузир дейишади. Ўзингизнинг қандай ҳақорат қилганини, уят гаплар сўзлаганини кўриб-билиб турган бўлсангиз керак-а? Дунёингиз обод бўлиб, Тангрининг раҳмати ёғилсин Сизга!.. Фақат... Фақат Асатиллани қарғаманг. Уни дуоибад қилманг... Аслида айб менда, аёлингизда! Унга яхши тарбия беролмабман, шекилли... Худо ҳақки, нима бўлганда ҳам ундан қаҳрланманг. Уни қарғаманг... Эрта-индин ақли қириб қолар... Эҳ, сизсиз қанчалар қийналиб кетганини билсангиз эди! Афсус...»

Раҳматжоннинг уйда «сабзи тўғарар» эмасми, биргина Асатиллани ҳисобга олмаганда барча қавм-қариндошлар шу ерда, ҳамма жамулажам эди. Орзуғул момо хўрланишлардан, аёвсиз таъқиб қилаётган хаёллар исканжасидан Раҳматжоннинг доғлисида ҳам қутула олмади, билъақ, кўнглини тирновчи гашлик уни қомига ютиб юборди. Онаизор теровдан келган чақирғқ қогозини ижтимида Раҳматжонга тутқазган бўлса-да, она-боланинг эртага туман марказига, Ички ишлар бўлимига тергов бериши учун бориши тўғрисида ҳамма хабардор бўлиб улгурган эди. Қанча уринса ҳам тўнғич ўғли онасини барибир юпата олмади. Орзуғул момонинг «шармандалиқ» деган баҳайбат парма бутун вужудини, юрагини лўқиллатиб, ўртаб бораётган эди. Онаизор бу ерда беҳад сиқилиб кетаётганини, ўғлининг хонадонига сизмай бораётганини илғади. Келинининг «шу ерда ётиб қолинг, бир ўзингиз овора бўлиб юрасизми?» дея худонинг зорини қилишига қарамай, «ўз уйим — ўлан тўшагим, дейишган, бошқа жойда уйимда ётгандек бўлмайман, борай, эрталаб келаман», деб оёқ тираб туриб олди. Илож қанча, охири уйланаётган набираси Элдор бувисини уйига олиб кетди...

* * *

Уйига қарғач эшикни тамбалаб, қурсига чўқаркан, онаизорнинг кўз олди яна қоронғулашиб, орқамия соҳасида ғайритабиий жимирлаш пайдо бўлди ва унинг дастлабки хуружидан Орзуғул момо ғарқ терга боғди. Кўнглини қўрқув аралаш мискин бир титроқ сирқирдирди. «Эй, Худо, ишқилиб ўлиб қолмайин-да, марҳаматингдан бенасиб қўйма!» демоққа оғиз жуфтлади-ю, бироқ лаб-лунжи, тили ўзига бўйсунмаётганини англаб, худди тоқ ўргандек қалқиб, олдинга бир қадам ташлади. Ё, Худо, онанинг оёқлари худди ёғочга айлангандек, қарахтланиб, унга бўйсунмасди. Орзуғул момо ўзини ўнглаб олишга уринди, афсуски, ҳаракатлари зое кетди. У қандай қилиб бўлса-да, икки-уч қадамча наридағи эшикка, хобхонасига киришга уриниб кўрди. У ваэминлик билан чап оёгини авайлаб судраб, ўнг оёги билан ҳатлаб ўтишга ҳаракат қилди. Оёги ердан узилиши билан гавдаси арраланган шафтолидек ерга қулаётганини англаб, юзубан ерга йқилаётганини сезган она бир амаллаб танасини туттишга, ўзини гурсиллаб полга қулашдан асрашига уринди. Бироқ энди йқилмасликнинг асло иложи йўқ эди. Чунки у қулаётиб, устига телефон аппарати ҳамда чинни лаганда олма-анор, нок ва узум сархиллаб териб қўйилган олпоқ дастурхоннинг узола тушган этагидан ушлаб қолишга уринганди. Афсуски, дастурхон лак билан силиқланган стол юзасидан телефон ҳамда мева солинган биллур лаганни қулаётиб, яхмалакда учган чанадек, кўз очиб юмгунча сирпаниб оёқ остига тушди. Орзуғул момо йқилаётиб чил-чил синган чинни лаганда қирмизи олманинг «дуп» остида ерга тушиб, сўнг гилдираб бориб эшик остонасига тақалиб тўхтаб қолганини кўраркан, кўнглида «Асатжон сархил меваларни яхши кўради, кенжатоий билан келганида бериб юбораман», деб ният қилиб териб қўйганини эслади.

Олма киваверишда ўрнатилган асосий дарвоза, темирдан пухта ишланган, бақувоват тамба ёрдамида, шунингдек, кесақининг тўрт тарафига чуқур кириб маҳкамландиган, қалинлиги тўрт миллиметр келадиган «паук» русумидаги «истехком» дарвозасини эслатувчи эшик остонасига урилиб, тўхтади. Шундагина ҳилвираб турган кампир эшикни маҳкамлаб қўйганини, энди бу «қалъа»га суқилиб киришининг ягона йўли балқон орқали эканлигини, бу ҳам етмагандек балқонга ҳам йўғонлиги бош бармоқдай келадиган темир панжара ўрнатиларини эслаб, буткул умидсизликка тушиб, синиқ товушда секингина ингради. Бошини ўнг ёнига ўйириб стол устида тўнтарилиб қолган телефон аппаратида қаради. Аппаратнинг ўйшаги ерга тегар-тегмас бўлиб, жингалак симига

осилиб турарди. Она чап тирсагига таяниб, иккинчи қўлини телефон гўшагига узатди. Томрлари бўртиб чиққан ўнг қўли зил-замбилга айланган, бармоқларининг учи эса бўғинларида тортилиб, пай мускуллари шу алфозда қотиб қолган эди.

Онашор бор кучини тўплаб, юзтубан ётган ҳолатидан қалқайрамон бўлиб, ўнгланди. Сўнг оғи ва қўлида бир қадар ҳаракатни сезгандек бўлди. Узоқ уринишлардан сўнг товони ва елка мускули ёрдамида телефонга бир қарич яқинлаша олди холос. Бунга Оразгул момо бор кучини сарфлаб эришди. Янада яқинроқ силжиб боришга энди унда куч қолмаган эди.

Она, тинка-мадори қуриб, чумолидек ожизланиб қолган жон, чап қўлини гўшақка чўзиб сўнгги депсинишни амалга оширди. Бармоқларининг учи телефон гўшагига тегай-тегай деб турар, афсуски, осиялиқ симида маятникдек тебранаётган дастакни белидан туттигининг асло иложи йўқ эди...

Онашорнинг бу уринишлари аҳволини янада оғирлаштирди. Боши айланганда худди уйнинг шифти ҳам вертолётнинг паррагига ўхшаб чириллаб айлангандек туюлди. Столдан осилиб турган гўшақнинг бетиним «ду-ут, ду-ут»лаши унинг қулоғига элас-элас эшитилиб, дераза ортидаги чароғон кеча, сомон йўлидаги чексиз юлдузларнинг жимирлашларига қараб, «Ё раббим, бир кунгина жонимни олмай тур, неварамнинг тўйи ўтсин, Раҳматжонни... майли, бешарфат чиққан бўлса-да... кенжатайимни сўнгги марта кўриб, рози-ривозлик берай, онаси шу туфайли ўлган деган иснодларга қолиб юрмасин...» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ худди бичилиб қолгандек ўнг томонига қийшайиб, тортилиб қолган лаблари товуш ҳосил қилмади. Узук-юлук инграшлар кенг хонадаги шаффоф сукунатни жаранглаб синдирди. Она хушидан кетди.

* * *

«Сабзи тўғерар»га келганларнинг бир қисми қайтиб бошлаган пайтда Раҳматжонни яқин дўсти Минхож астагина қўлтигидан тутди-да, четга сулради.

— Хуфя гапинг бор, шекилли, — илжайди Раҳматжон, — айтавермайсанми? Нима қиласан узок-қа сулраб.

— Овайни, ҳозиргина эшитиб қолдим, — деди Минхож пичирлаб. — Уканг Асатилла «травматология»га пул бериб, оғир-оғир «диагноз»ларни қўйдириб ётганидан хабарим бор. Бугун эрталаб укам иккита овайниси билан Асатиллани кўргани боришибди. Палатасининг эшиги очиқ экан. Ана у. Урайимнинг боласи бор-ку, қассоб! Ҳаҳ оти нимаиди?.. Ҳа, эсладим, Анвар!

— Ҳўи, Ҳўи, — диққатини жамлади Раҳматжон. — Кейин-чи, кейин нима бўпти?

— Улар роса сўқишаётган экан. Укам ўртоқлари билан бикиниб туриб, ҳамма гапни эшитиб олибди. Хуллас, йигирма минг сўмини Анвар қассоб олган экан. Ўзи бўйнига олибди! Асатилла ойингни уйига келаётганда, йўл-йўлакай оғайниси Анварни ҳам миндириб келаётган экан. Қассоб укангдан ўттиз минг сўм қарзини сўрабди. Уканг, «ошина бир сўмим ҳам йўқ, чида, олти ой кутдинг, яна уч-тўрт кун кутсанг, пул бўп қолар. Қарзимни узаман», дебди. Кутилмаганда укангнинг мошинасини битта гилдираги ёрилиб қолган экан, шуни алмаштиришга Асат машинадан чиқибди. Анвар машинанинг «бардачог»ини очса, бир даста «200» талик пул бор экан. Анвар қассоб укангнинг пули бўла туриб қарзни қайтаришни хоҳламаётганини пайқаб, ўша пулни қарзига ҳисоблаб, ими-жимида астагина ёнига солиб қўйибди. Асат Анварга пулим йўқ, деган-ку, шу боис у ҳам бу ҳақда уканга ҳеч нарса демай, уйининг ёнида тушиб қолибди. Бўлиб ўтган машамалардан хабар топгач, укангнинг сен билан онангни «ёғри» қилганини эшитиб, касалхонага, жўрасининг ёнига келибди. «Тўра, пулни мен қарзимга ҳисоблаб, олиб қўювдим, онанг билан аканда айб йўқ! Эшитишимча, уларни ўғирликда айблаб, даъво қўзғаб, судга берибсан. Бундай қилма, тез дўхтирхонадан чиқиб кет, судга берган аризонани қайтиб ол. Оқибати яхши бўлмайди», дебди...

Раҳматжоннинг сабри чидамади.

— Ҳўи, Ҳўи, Асатилла нима депти? — деди ўртоғининг гапини бўлиб.

Минхож афсусланиб бошини чайқайди:

— Уканг, «сен олган бўлсанг ҳам майли, энди бўлар иш бўлди. Ҳозирча дамингни чиқарма. Онам, акам билан жанжаллашиб қолдим. Акамда пул кўп. Судга беришга бердимми, энди ортга қайтиш йўқ. Энди моддий-маънавий зарар, деб тўрт-беш миллионини олмасан бўлмайди. Сен «туя қўрмагансан», дебди. Анвар ориятли бола эмасми, «сендай ифлосни башарасини йиртган савобга қолади, кел, бирийла менам ҳам тўрт-беш сўм ундириб ол», деб роса урибди. Энди уканг уни ҳам судга берса керак...

Раҳматжон қалқиб кетди.

— Ҳх-ху, мана буни хушхавар деса бўлади, Анвар билан ўзинг гаплашиб қўярсан, — деди қулиб дўстини баарига босар экан, хурсандчилигини яширмай. — Мен дарҳол онамга телефон қилиб, бу ҳақда айтмай, қўнгли таскин топади. Бечорагина онам қаттиқ сиқилганидан ўзини қўйгани жой тополмаяпти. Хурсанд қилдинг, оғайни!

У хуш кайфият билан телефон рақамини тераркан, линияда узлуксиз сигнал эшитилди.

Кетма-кет уриниб туша олмагач:

— Ойим телефонда гаплашишини жуда яхши кўрадилар-да! — деди ховуридан тушиб. — Зумрад хола билан бир гаплашса, икки соат гаплашади... Майли, эрталаб терговга олиб кетгани боранимда айтиб, кўнглини кўтараман.

Орзугул момо шу алфозда узоқ ётди. Худонинг раҳми келдими вужуди жимирлаб, мияси лўқиллаб, кўзини очаркан, дараза ромига кўйиб ўтирган иккита оппоқ, баҳайбат қушни кўрди. У умри мобайнида бундай қушни кўрмаганидан хайратланиб, бор кучини тўплаб, нигоҳларини сиқиб, қушларга тикилди. Тикилди-ю... улкан қушлар елкасида фариштарўй одам юзини кўриб, шури алланечук, гайритабиий шуъла билан чароғонлашди. Улардан бирини қиёфаси раҳматли Аброрга жуда ўхшарди, «малоикалар билан мени олиб кетишга келибди», ўйлади онашор.

Орзугул момо мунгли назар билан атрофига боқди. Қандайдир сония ичида бутун ҳаёти кўз ўнгидан электр нури тезлигида бир-бир липиллаб ўтди. Болалари... Она ўзида куч сеза бошлади. Сал нарида, стол устидан сирпаниб тушган дастурхонда турган «Нафақа дафтарчаси»га, унинг орасига кўйилган ручкага кўзи тушиб, кўлларини секин чўзди. Дастурхоннинг учидан ушлаб аста ўзига тортди. Дафтарча ва қаламни чап кўллаб тўтаркан, ўнг кўли қимирламаётганини сезиб, чапақайлиб ёзишга тутинди. Битта ҳарф шаклини битиши нина билан қудуқ қовлаётгандек туюлди, назарида...

Эрталабки соат еттида Раҳматжон тез-тез юриб зинадан кўтарилга бошлади. Ҳаворанг эўнечироқ тужмасини босаркан сабри чидамай, темир эшикни уч-тўрт марта мушти билан «даранг»латди. Шовқиндан кўшини аёл, Нукра кампир ийманибгина эшигини очди. Раҳматжон у билан сўрашган киши бўлди, сўнг кўнглидан кечган фикрдан хурсанд бўлиб:

— Она, эшикни очин! — деди кўшини аёл эшитилган деб атайлаб баланд товушда. — Асатиллонинг пулини ким олган аниқ бўлди, қассоб ўртоқи олган экан...

Кўшини аёл бу хабардан бир учиб тушди-да, рўмолининг учи билан өззини тўсди:

— Биз, кўни-кўшинилар бу гапларга мутлақо ишонмагандик, — деди у чиройи очилиб. — Ахир, онангиз билан ўн беш йил кўшини туриб, бирор марта ҳам кўли эрилигини сезмаганман. Аввал бошда ҳам бу гапга ҳеч ким ишонгани йўқ. Ойингиз

эса беҳудага куйиндилар. Хайрият, пулни ким олгани маълум бўлибди, энди онангизнинг юраги тинчиди...

Раҳматжон кўшини аёлнинг гапларидан бир қадар таскинланди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, эшик очилмасди. Балки онам бирор юмуш билан ташқарига чиққандир, деган ўйда яна бир соатча кутди. Энди кўнглидаги хавотир таҳлика уйғотиб, турди хаёлларга борди...

...Ва ниҳоят, кўпайлашиб, эшикни бузиб, ичкарига киришганда, эшикнинг ёнида Орзугул момо узала тушиб, ўлиб ётарди. Раҳматжон онасидан жудо бўлганини англаб, қайғуга ботди. Шу пайт, кўшиниларидан бири онашорнинг «Нафақа дафтарчаси»ни ердан олиб, Раҳматжонга узатди. Раҳматжон дафтарчага битилган кингир-қийиқ ҳарфларни зўрга уриштириб ўқиди: «... Болаим, уч ойлик пенсиямни укангга бер... уйни ҳам... Сендан розим...»

У юрагини ўртаб турган нидосини тўсиб қололмади, кўзларидан ёш қуюлди. Маҳалла оқсоғоли ҳамдардик билдирар экан, «Жановзага қариндошларни, элу-халқни чорлаб одам юборинг-лар...» деди синиқ кайфиятда. Раҳматжон қаққир қозонини бурда-бурда қилиб йиртиб, қозоқ бўлақларини товоғи билан эзгилаб ташлаб, аста волидасининг жасади узра энгашди. Онашорининг кифтига кўлларини кўйиб, юзини-юзига босаркан, болалигидан димоғига яхши таниш бўлган ҳид — ҳар гал эрталаб дуосини олаётганида боши узра бевозорини сирғалувчи, қадоқ кўлгагина хос бўлган оғир энди бошқа насиб этмаслигини, ҳар куни беш вақт намозининг сўнгида ҳар хил бало-қазо ва офатлардан Парвардигорнинг ўзи асрашини сўраб ният қиладиган меҳрибоннинг энди бу дунёда яна кўрмоқликнинг иложи йўқлигини англаб, видео налари муқаррарлигига, ўлимнинг ҳақлигига иймон келтираркан, тўғриқ ўғил юрагининг туб-тубидан кўчкан нидо мажруҳланган шернинг нолон наъра-сидек бўғзини йиртиб чиқди:

— Борингда қадрингга етмадик, вой онам! Онажоним...

Билганича Қуръони қарим дуоларидан тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортган, бармоқларининг учи билан волидасининг очик қолган кўзларини ёпишга уринди. Гўё, ноқобил фарзандининг етказган озорларидан ўлим ортидан зирхли паноҳ толгандек, Орзугул момонинг бақо дунёсига очилган кўзларидан гўёдак уйқусига хос хотиржамлик мужассам эди. Раҳматжон тириклик нафаси сўнган кўзлар сўйратиди гўёки, умид машғаласи қайта порлаб, киприклар титроғида ҳаёт нурлари дафъатан сочилиб кетишига илинж боғлагандек, онашорини кўзларини куч билан ёпишни истамасди.

XIX аср ўрталарида капитализм жаҳон миқёсига кенг қўлоч ота бошлагач, Россия империяси ҳам ўзи учун бозорлар ва хом ашё манбалари қидириб, бошқинчилик сиёсатини кучайтирди. Чор Россияси Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсатини ўрнатганидан кейин бу ерда пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Аввало, ўлкадаги мавжуд маҳаллий гўза навлари ўрнига америка пахтаси навлари келтирилди, ерли аҳолидан тортиб олинган ва янгидан ўзлаштирилган ерларда пахта плантациялари ташкил этишга киришилди.

КНЯЗ РОМАНОВ ТАДБИ КОРЛИГИ

Қўрилган тадбирлар дастлабки йиллардаёқ ўз самарасини бера бошлади. Бошқа экинларга нисбатан пахтадан яхши даромад олиниши ва унга жаҳон бозорларида талабнинг катталиги рус тадбиркорларини бу соҳага кенг жалб қила бошлади. Шундан бири чор Россиясининг йирик сармоядори ва рус подшошининг яқин қариндоши княз Н.К.Романов эди. Княз 1886 йилдаёқ Мирзачўлни ўзлаштириш харақатларида фаол иштирок этган. У ўзининг шахсий маблағи ҳисобига Сирдарёдан канал қаздириб, Мирзачўлнинг бепоён кенгликларига сув чиқариш ишларини бошлаган, ўзлаштирилган ерларда рус посёлкаларини бунёд этган, Россиядан кўчириб келтирилган аҳоли учун барақлар қуриб бериб, уларнинг бу ерларда истиқомат қилишларига имконият яратиб берган эди. Шундай йўллар билан Мирзачўлда «Олтин Урда» ва «Искандар» каби именялар пайдо бўлди. Булардан ташқари, Романов Мирзачўлда Урта Осиё темир йўлининг Кривобоево станциясида пахта тозалаш заводини қурдирган.

Княз савдо фирмалари ва ширкатлар билан яқиндан алоқалар ўрнатади. Бу ҳамкорликдан томонлар ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий фойда қўра бошлайдилар. Шу билан бирга, Романов «Олтин Урда» именясидаги бир қатор магазин, чойхона, пивохона ҳамда хос хоналарни ижарага бера бошлайди. Бу даромадлардан ташқари, Романов подшо олдасидан бўлгани учун департамент томонидан ҳар ойда маълум маблағ билан таъминлаб турилган.

«Искандар» именясида жойлашган бозорига сотувга кўйилган моллардан устама ҳақи олинган. Шундай қилиб, «Олтин Урда» ва «Искандар» бозорлари даромаднинг асосий қисмини берар, княз томонидан Сирдарёга қурилган «Запорожье» кўприги ҳам катта даромад келтирар эди. Ушбу кўприкнинг икки томонида махсус хизматчилар туриб, кўприкдан ўтаётганлардан пул олар эдилар.

1914 йили Биринчи Жаҳон урушининг бошланиши Н.К.Романовнинг ижара ҳақини оширишига қўл келди. Бу даврда пахта нархлари кўтарилди. Шунингдек, у «Олтин Урда»даги ёғ, қроғоз, гуруч ишлаб чиқариш заводлари ва тўқувчилик фабрикаси, Бўрижар(Тошкент)да жойлашган тегирмонидан ҳам яхши даромад олган. Булардан ташқари, Урта Осиё темир йўлининг Мирзачўл станциясидаги именяларидан, ижарага берилган пахта тозалаш заводидан келаётган маблағ мунтазам кўпайиб берган.

Княз ўзининг қўл остида ишловчи хизматчиларига ҳам қаттиққўллик билан ҳақ тўлаган. Уларнинг ҳақларидан уриб қолишга ҳаракат қилган.

1917 йили Советлар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин, махсус декрет асосида барча мулкдорларнинг мол-мулклари мусодара қилина бошланди. 1918 йил 3 февралда, вафотидан сўн Н.К.Романовнинг ҳам барча мол-мулклари мусодара қилинган.

Зулайхо АШИРБОЕВА

УЙҒУН ҚАНДАЙ ШОИР?

Ғафур Ғулом билан Саид Аҳмад қуюқ зиёфатнинг эртаси кунни андак қарахт ҳолда «бош оғриғи» учун кимни эритсак экан, дея ўйлаб туришганда, узоқдан профессор Абдураҳмон Саъдий кўриниб қолади.

— Бўлди, иш пишди! — дейди Ғафур Ғулом.

— Билсанг керак, Уйғунни домла унча ёқтирмайди. Ҳозир ҳол-аҳвол сўрашгач, бошлаб Уйғуннинг қудогини қизитамиз.

Салом-алиқдан сўнг устоз-шоғирда бири олиб, бири қўйиб, галма-гал Уйғунни ёмонлай бошлашади. Домла ростдан ҳам Уйғунни хушламас экан чоғи, оғзининг таноби қочиб,

— Мен... шоирман.

— Кечирасиз, шоир дегани нима иш қилади ўзи?

Ғапнинг нимқосасини пайқамаётган шоир шляпасини ёнига қўйиб, астойдил гапира бошлайди:

— Хўш, буни сизларга қандай тушунтирсам экан? Масалан, мана бу шарқироқ сойнинг нариги томонидан бир йигит тулпор миниб келди, дейлик, бу томондан эса бир гўзал қиз кўза кўтариб сувга чиқади. Биз шоирлар шунақа воқеаларни шеърга солиб, икки ёшни ўзаро қовуштириб қўямиз.

— Э-ҳа, шуни сизларда шоир дейдиларми? Бизда эса буни «қўшмачи» дейишади.

Шодмон ОТАБЕК

Кунларга **Н** — бир ку **Н** и ...

эриб-яйраб кетади. Сўз қотиш учун энди оғиз жуфтлаганда Ғафур Ғулом усталик билан тақлиф киритади:

— Домла, суҳбатнинг чаласини ресторанда давом эттирсак, нима дейсиз?

— Жуда яхши-да!

— Кетдик бўлмаса!

Ресторанда домланинг ҳисобидан обдон мурод ҳосил бўлгач, тебраниб-чайқалиб ташқарига чиқишади. Ғафур ака Саид Аҳмадга секин кўз қисиб, дейди:

— Умуман олганда, Уйғун ёмон шоир эмас, нима дединг Саид Аҳмад?

— Тўғри айтасиз, устоз, айнан ҳозир Уйғун акага етадиган шоир йўқ!

ШОИРНИ МОТ ҚИЛИШДИ

Ғафур Ғулом сайру саёҳат қилиб, гўзал Шоҳимардонга бориб қолади. Чойхонада қариялар билан гурунглашиб ўтирганда ундан сўрашади:

— Хўш, меҳмон, сўраганининг айби йўқ, ўзлари қаердан бўладилар?

— Тошкентдан.

— Нима касб қилдилар?

ЁЗМАСА БЎЛАДИ

Ғафур Ғулом бемаза шеърлари билан ҳаммани, айниқса, таҳририят ходимларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

— Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам ҳақи оласан?

— Кўп эмас, юз сўм атрофида қалам ҳақи ишлайман, Ғафур ака.

— Агар мутлақо бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга ойига икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..

ЯРАШ-ЯРАШ

Ғафур Ғулом Абдулла Қаҳҳор билан Дўрмонда аразлашиб қолиб, гаплашишмас экан. Бу орада Абдулла ака дала ҳовлисида зиёфат уюштирадиган бўлади. Ғафур ака Саид Аҳмад-дан секин сўрайди:

— Устозинг мениям қақирармикин?

— Билмадим, ҳар ҳолда қақирмаса керак. Сиздан қаттиқ хафа, — дейди Саид Аҳмад.

— Бўлмаса, чал патнисни! — дейди Ғафур ака қутилмаганда.

Саид Аҳмад индамай патнисни олиб, чиддирамадек чалаверади. Фафур Фулом эса Абдулла аканинг остонасига бориб, «така-тум, така-тум»га ўйнайверади. Девор тирқишидан воқеани кузатиб турган Абдулла Қаҳҳор ахийри шаштидан тушиб, шундай дейди:
— Бўлди, бўлди, ярашдинг энди, ярашдинг!

ВИНО БЎЛДИ

Фафур Фулом Бешёғочдаги уйига иш юзасидан келган бир ёш танқидчини ўткирроқ ичимлик олиб келиш учун дўконга юборади. Танқидчи ўйлай-ўйлай битта коньяк ва «чекушка» деб аталадиган кичкина ширачада ароқ олади. Ароқни кўрган шоир шундай гап қотади:

— Ўзинг ҳам ичаркансан-да?

Танқидчи ичмас эди, тортиниб, индамай ўтираверади. Бир пиёлага коньяк, иккинчисига ароқ қуйган шоир қайта сўрайди:

— Нега индамайсан? Нима ичасан? Виноми?

— Ҳмм... — дейди боёқиш танқидчи ноилоҳ.

— Э, шуни боятдан айтмайсанми? — дейди шоир андак ажабсиниб ва пиёладаги ароқнинг устига қулат-қулат қилиб коньяк қуяди.

— Ол, ана энди вино бўлди, ичавер!

ҚАЙНОНАСИ БЎЛАМАГАЧ...

Фафур Фулом таҳририятларга келганда ходимлар хурсанд бўлиб кетарди. Бир куни шоир «Шарқ юлдузи» журналига таширф буюради. Бош муҳаррирнинг бир ҳикоядан кўнгли тўлмай, боши қотиброк ўтирган эди. Ҳикоя ўша вақтларда анча «мода» бўлган зиддият — қайнона ва куёв можароси ҳақида эди.

Фафур акадан ҳикояни бир кўриб беринг, деб илтимос қилишди. Шоир қўлёзмага бирров кўз ташлади-ю, хўрсиниб қўйди:

— Одам Ато дунёдаги энг бахтли инсон бўлган экан-да!

— Нега энди, Фафур ака?

— У кишининг қайноналари бўлмаган-да!

ЗЎР ЁЗУВЧИ

Фафур акадан ношудроқ бир ёзувчи ҳақидаги фикрини сўрашади.

— Ҳа, у жуда «зўр» ёзувчи! — дейди шоир тағдор қилиб.

— Қизик, унинг нимаси зўр, устоз?

— У ҳатто камалакни ҳам икки рангда — оқу қора қилиб тасвирлай олади.

ИШДАН ЧИҚИШ

Фафур Фулом кечки пайт уйига кетаётган экан, қаршисидан маҳалланинг таниш йигитлари чиқиб қолишибди. Салом-алиқдан сўнг шоир йигитлардан сўрабди:

— Йўл бўлсин энди?

— Ишдан чиқдик, уйга қайтпмиз.

— Ие, шу ёшга кириб ҳали мен ишдан чиққанам йўқ-ку, сизлар дарров ишдан чиқиб қолдингларми?

Шоирнинг самимий қочиримидан завқланган йигитлар бир-бирларига қараб туриб, қолиб юборишади.

ОШГА ОЛОВ ЁҚВОР!

Устоз Фафур Фулом табиатан қувноқ, ҳазилкаш, топқир одам эди. Гап-гаштакни, улфатчиликни яхши кўрарди. Кунлардан бир куни чойхонадаги ошхўрликда кайфи ошиброк қолган Фафур ака соқийга «Дадилроқ қуймайсанми?» дея танбех беради. Шоирга жабр бўлишидан хавотирланиб ўтирган боёқиш соқий ийманибгина эътироз билдиради:

— Фафур ака... ошдан кейин яхши кетмайди-да.

— Шундайми? Ундай бўлса, тур ўрнингдан, дарров янги ошга олов ёқвор!

ЯХШИ МУҲАРРИР

Бир ёзувчи нашриётга келиб, ходимлар билан узоқ вақт гаплашиб ўтиради. У кетганда бўлим муҳаррири енгил тортади:

— Хайрият, қўлёзма олиб келдимикан, деб кўрққан эдим.

— Баракалла, — деди суҳбат охирида келиб қолган Фафур ака. — Яхши муҳаррир шундай бўлади — бировнинг ёзганига хурсанд, бировнинг — ёзмаганига! Баракалла!

“ИЗҚУВАР”ГА КЕЛГАН “СОВЧИ”

Хикоя

Олтинчи синф хонасидаги дераза ойналаридан бири чил-чил синиб ётарди. Ўқувчилар бир зумда тўпланишиб, гала-говур бошланди. Мактаб директори бу ходисанинг устидан чиқди. Унинг «Ким синдирди?» — деган саволига ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Қаҳрамон Солиевични чақиринг! — буйруқ берди директор навбатчи ўқитувчига ва давом этди:

— Мана, тарбиямиз натижаси. «Бехосдан синдириб қўйдим, узр, дарҳол тўғрилаб қўяман», деб тан оладиган шоввоз қани? — деди атрофдагиларга.

— Ярим соатда ҳаммасини аниқлаб, натижасини сизга айтаман, — жавоб қайтарди воқеа жойига етиб келган Қаҳрамон Солиевич. Айтилган пайти синф хонаси деразаси синишида ўқувчиларнинг айби йўқлиги, лаборатория хонаси деразаси ҳам оқшомги кучли шамолдан очилиб кетиб, шиша идишларнинг синганлиги ҳақидаги ахборот директорга етказилди.

Май ойн охирлаб, ёзги таътил кунлари яқинлашарди. Танаффусда айрим ўқувчилар мактаб боғидаги қизариб қолган гилос шохларини юлқиб, синдириб кетишарди. Мактабда мевалар пишгунича қўриқланар, аммо болалар уларнинг пишиб етилишини кутмас эдилар. Улар ёш мевали дарахтлар новдаларини тортавериш, эгиб қўйишарди. Дарахтнинг кўпгина шохлари жароҳатланар, оқибатда, дарахт нотекис, тарвақайлаб ўса бошларди.

Эрталабки йиғилишда директор ўринбосари, дарсада эса синф раҳбарларининг дарахт ва ниҳолларни синдирмаслик ҳақидаги тошириқларига қарамай танаффус кўнгириги чалинган, еттинчи синфдан тўртовлон бўлиб пишаётган гилос шохларига ёпишди. Улар қизарган довуччаларни юлиб олишиб, гоҳ оғизларига солар, гоҳ чўнтақларини қаппайтиришарди. Бу тартибсиз, қулоқсиз болаларнинг қилмишларига синчвос разм солиб, ёш гилослар ортидаги кекса ўрик шохида, қўлида қаламу дафтар билан Қаҳрамон Солиевич ўтирарди. Болалар эса шохлар панасидаги

ўқитувчини кўришмас, улар ўз нафслари билан овора эдилар. Шохларни пайхон қилиб, гилос тераётган биринчи ўқувчи буларнинг ишини кузатиб ўтирган Қаҳрамон Солиевични кўргач, оғзига солган гилоси томоғига тикилиб, йўталиб қолди. Қаҳрамон Солиевич пинагини бузмай уларнинг ҳаракатини кузатишда давом этди.

Иккинчи бола: «Томоғинггача тўлган бўлса, менга ошир», — деди киноя қилиб.

Йўталдан тўхтагач, ўқувчи қоши билан юқорига имо қилиб, «изқувар» деди. Улар устозга кўзи тушгач, қочишни ҳам, туришни ҳам билмай анграйиб қолишди.

— Еттинчи синф ўқувчиларидан Суннат, Алишер, Фарҳод, Илҳом шохларни синдириб, пишмаган гилосларни ўғирлапти, деб ёзиб қўямиз.

— Суннатилло! Синф раҳбарингни тезда етаклаб кел! Учовларинг жойларингдан жилманглар.


Синф раҳбари етиб келгач, Қаҳрамон Солиевич сўзини давом эттирди.

— Биринчи гилосдан учта, иккинчисидан мана иккита, мен ўтирган ўрикнинг икки шохи — жами етти шох синдирилган.

— Шохларни биз синдирмадик, — дейишди болалар баравар.

— Жуда тўғри, шохларни синдирганларингни мен ҳам кўрганим йўқ. Бу шохларни сизларга ўхшаган тарбиясиз ўқувчиларимиз синдиришган, мен бу ерда бўлмаганимда шохларни синдирарингиз. Шу боис, синган шохларга ҳам жавоб берасизлар. Менинг дафтаримда Суннатиллонинг ўтган йили экилган теракни суғуриб, «қилич» қилиб ўйнагани, Алишер билан Фарҳоднинг кўкариб турган икки туп атиргулни синдириб олиб кетгани, Илҳомнинг мактаб металлomidан рейкаларни ўғирлаб кетганлари кунги, соатигача ёзиб қўйилган. Энди эса суҳбатни директорнинг хонасида давом эттирамиз.

Аслида, Қаҳрамон Солиевич қайси ишга киришмасин, мақсадга эришади. Шунинг учун ҳам мактаб директори унга жуда ишонарди.



Тузувчи:
 Фурқат Қўнишев, ТошДАУ қошидаги
 Қибрай академик лицейи, 106-гуруҳ ўқувчиси

Судья: — Нима билан шуғуланасиз?

Маҳбус: — Акробатика билан.

Судья: — Деразани ёпинглар, илтимос.

Афандининг шеърини танқид қилишибди:

— Шу ҳам шеърми, ҳеч жаҳонда “Хиндистон” сўзига “тандир” сўзи ҳам қофия бўладими?

— Сизлар шеърни тушунмас экансизлар,

— дебди Афанди ачиққаниб. — Нега қофия бўлмасин, у ҳам иссиқ, бу ҳам!

— Ҳаётимнинг энг бахтли онлари учун театрга минг бора раҳмат.

— Театрга шунча кўп борасанми?

— Йўқ, хотиним кўп боради.

— Кечаси яхши ухлайсизми?

— Ҳа, дўхтиржон.

— Ҳмм... Ким бўлиб ишлайсиз ўзи?

— Боғчада қоровул бўлиб.

Бир кишидан сўрашибди:

— Сиз нега кеч соат ўн иккидан кейин ишлайдиган ресторанга қатнайсиз?

— Биласизми, менинг хотиним кийингунича шаҳардаги ҳамма ресторанлар ёпилиб қолади.

— Ойи, менга куёв ёқмаяпти. Қачон қарасанг, кўзини юлиб юради.

— Хавотир олма, қизим, тўйдан кейин кўзи мошдек очилади.

Айни туш пайтида хўранда ресторанга кирди ва жойлашиб ўтиргач, официантдан сўради:

— Мана сизга чой пули. Хўш, менга нимани тавсия қиласиз?

Официант энгашиб шивирлади:

— Маслаҳатим шуки, бошқа ресторанга боринг.

Кинорежиссёр актёрга геди:

— Шер сизни 50 метрга қувиб боради. Ораларингиздаги масофа 2–3 метрдан ошмаслиги керак, тушундингизми?

— Ҳа, — жавоб берди актёр. — Улиг қиламанки, шер ҳам шундай огоҳлантирилган.

Бир соғда оғам Афандидан сўради:

— Афандим, жаноза ўқилаётганда тобутнинг чап томонида турган савобми, ўнг томонида?

Афанди жавоб берибди:

— Иккала томонида турган ҳам савоб, тобутнинг ичида бўлмасанг, бас.

Зумрад тайёрлади.

Изоҳ ва мулоҳазаларингизни «Nodirbek_Ahmedov@mail.ru» электрон манзилига юборишингиз мумкин. Энг қизиқ изоҳ эгасини таҳририятнинг сирли совғаси кутади.

Мактубларингизни Тошкент, Буюк Турон, 41, «Гулистон» журнали таҳририятига жўнатинг.



Сиз қандай изоҳлайсиз.



Рассом Зебунисо Шарипова ижодидан намуналар





TUM
46250

Yanvar		Fevral		Mart		Aprel		May	
Du	2 9 16 23 30	Du	6 13 20 27	Du	6 13 20 27	Du	3 10 17 24	Du	1 8 15 22 29
Se	3 10 17 24 31	Se	7 14 21 28	Se	7 14 21 28	Se	4 11 18 25	Se	2 9 16 23 30
Ch	4 11 18 25	Ch	1 8 15 22	Ch	1 8 15 22 29	Ch	5 12 19 26	Ch	3 10 17 24 31
Pa	5 12 19 26	Pa	2 9 16 23	Pa	2 9 16 23 30	Pa	6 13 20 27	Pa	4 11 18 25
Ju	6 13 20 27	Ju	3 10 17 24	Ju	3 10 17 24 31	Ju	7 14 21 28	Ju	5 12 19 26
Sh	7 14 21 28	Sh	4 11 18 25	Sh	4 11 18 25	Sh	1 8 15 22 29	Sh	6 13 20 27
Ya	1 8 15 22 29	Ya	5 12 19 26	Ya	5 12 19 26	Ya	2 9 16 23 30	Ya	7 14 21 28

iyun

Du	5 12 19 26
Se	6 13 20 27
Ch	7 14 21 28
Pa	1 8 15 22 29
Ju	2 9 16 23 30
Sh	3 10 17 24
Ya	7 14 21 28

2006

Yangi yilda yangi diyor istab

Guliston

iyul

Du	3 10 17 24 31
Se	4 11 18 25
Ch	5 12 19 26
Pa	6 13 20 27
Ju	7 14 21 28
Sh	1 8 15 22 29
Ya	2 9 16 23 30

Indeks: yakka obunachilar uchun - 820; tashkilotlar uchun - 806.

Avgust		Sentabr		Oktabr		Noyabr		Dekabr	
Du	7 14 21 28	Du	4 11 18 25	Du	2 9 16 23 30	Du	6 13 20 27	Du	4 11 18 25
Se	1 8 15 22 29	Se	5 12 19 26	Se	3 10 17 24 31	Se	7 14 21 28	Se	5 12 19 26
Ch	2 9 16 23 30	Ch	6 13 20 27	Ch	4 11 18 25	Ch	1 8 15 22 29	Ch	6 13 20 27
Pa	3 10 17 24 31	Pa	7 14 21 28	Pa	5 12 19 26	Pa	2 9 16 23 30	Pa	7 14 21 28
Ju	4 11 18 25	Ju	8 15 22 29	Ju	6 13 20 27	Ju	3 10 17 24	Ju	1 8 15 22 29
Sh	5 12 19 26	Sh	2 9 16 23 30	Sh	7 14 21 28	Sh	4 11 18 25	Sh	2 9 16 23 30
Ya	4 11 18 25	Ya	1 8 15 22 29	Ya	1 8 15 22 29	Ya	5 12 19 26	Ya	3 10 17 24 31